Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 26 май, чоршанба

№ 96. (21.447).

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Президенти Ислом КАРИМОВ ва Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха РАОнинг мамлакатимиз ҳамда чет эл мухбирлари билан суҳбати

24 май куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи якунлари хусусида мухбирлар билан суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатни Президент Ислом Каримов бошлаб берди.

— Нарасимха Рао жаноби олийлари бошчилигидаги расмий делегация ташрифи ниҳоятда самарали бўлди,— деди Ўзбекистон раҳбари.— Учрашувлар, суҳбатлар, музокаралар якунида бешта муҳим ҳужжат имзоланди. Бу ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни янги босқичга кўтаради. Ҳамкорликнинг кўпгина соҳалари бўйича муҳим аҳдлашувларга эришдик.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ана шу аҳдлашувлар хусусида тўхталди. Жумладан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишувга мувофиқ, Ҳиндистон Ўзбекистонга 4 миллион рупий ҳажмида дори-дармон етказиб беради. Шу йилдан бошлаб Ҳиндистон ўзбекистонлик талабаларни ўқитишга кенгроқ ўрин ажратиб бошлайди. Тошкентдаги жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети билан яқиндан ҳамкорлик қилинади. Ўзбекистон телевидениеси Ҳиндистон [illegible]фтасига бир ярим соатлик дастурни кўрсатиши учун барча жиҳозлар ва ускуналар билан таъминланади. Ҳинд халқи ҳаёти ва маданияти билан яқиндан танишиш имкони туғилади. Бундан ташқари, Тошкентда Ҳиндистон маданий-маърифий маркази очилади. Буларнинг ҳаммаси аждодларимиздан мерос қолган қадимий алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлар бўлади.

— Ўзаро музокаралар шуни кўрсатдики, — деди И. Каримов, — иқтисодий алоқаларимиз етарли даражада эмас. Буни иккала томон ҳам таъкидлади. Ҳиндистон ҳам, Ўзбекистон ҳам ҳамкорлик учун катта имкониятларга эга. Бизнинг муносабатларимиз икки халқнинг азалий дўстлик туйғуларига асосланган. Мен Ҳиндистонга нисбатан Ўзбекистон кичик давлат деганимда, Нарасимха Рао жаноблари «У кичик бўлса ҳам қалбимда катта жойни эгаллайди», деб айтди. Бу самимий сўзлар учун яна бир карра миннатдорлик билдираман. Бош вазир ва Ҳиндистон делегациясига, улар орқали улуғ ҳинд халқига бахт-саодат тилайман.

— Икки кун давомида Ўзбекистон ва унинг халқи ҳаёти билан яқиндан танишдик, — деди Нарасимха Рао. — Ислом Каримов билан икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилдик. Халқларимиз ўртасида умумий жиҳатлар жуда кўп. Тарихимиз ва тақдиримизда туташ нуқталар ҳам анчагина. Жумҳурият янги жамият барпо этиш йўлида мураккаб ўтиш даврини бошдан кечираётганини биламиз. Биз ҳам шундай босқичдан ўтганмиз. Ҳиндистон бу борада Ўзбекистонга яқиндан ёрдам беради ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Икки дўст мамлакат муносабатлари минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, самимий ва санъатсеварлиги бизда катта таассурот қолдирди. Бу халқ ўз мақсадига эришишига ишончимиз комил. Биз Ислом Каримов билан икки йил олдин учрашган эдик. Аммо мулоқотларимизни яна давом эттириш учун Ўзбекистон Президентини Ҳиндистонга таклиф этдик. Таклифимиз қабул қилинганидан хурсандмиз.

Ҳиндистон Бош вазири имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Сайёҳлик, фан-техника, маданий соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида аҳдлашувларга эришилгани муҳим воқеа бўлди. Осиё қитъасида терроризм ва гиёҳвандлик моддаларини тарқатишга қарши биргаликда курашишга келишиб олинди. Иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида савдо-иқтисодий комиссияси ташкил этишга қарор қилинганини билдирди.

— Бизнинг тарихий муносабатларимиз, — деди пировардида Нарасимха Рао, — бебаҳо пойдевордир. Биз унинг устида мустаҳкам дўстлик биносини барпо этишимиз керак.

Мухбирларнинг ҳам саволлари кўп экан. Тожикистондаги вазият, ислом ақидапарастлигига муносабат масаласида тушган саволга Ўзбекистон раҳбари шундай жавоб берди:

— Биз Тожикистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга ҳисса қўшганлигимиздан беҳад мамнунмиз. Тожикистон чегараларини мустаҳкамлаш, унинг халқига моддий ва маънавий ёрдам беришга биринчилардан бўлиб киришдик. Афғонистонга мажбуран олиб кетилган Тожикистон фуқароларини ўз юртига қайтаришга БМТ билан ҳамкорликда ҳаракат қилмоқдамиз. Куни кеча уларнинг биринчи гуруҳи Термизга етиб келди. Биз ислом дини ва унинг маънавий қадриятларини ниҳоятда қадрлаймиз, аммо ислом ақидапарастлигига ҳам, коммунистик ақидапарастликка ҳам мутлақо қаршимиз.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао ва Ислом Каримов мухбирларнинг барча саволларига батафсил жавоб бердилар.

(ЎзА).

Суратда: суҳбат пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

25 май куни республикамиз Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котибининг Тожикистондаги шахсий вакили Исмат Китанини қабул қилди.

Суҳбат чоғида И. Каримов БМТнинг Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлади. Тожикистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақа аҳолиси, қолаверса, бутун жаҳон учун катта аҳамиятга эгадир.

Исмат Китани ўз навбатида Ислом Каримовнинг БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга мурожаатидан сўнг халқаро ташкилотдан Тожикистонга вакил бўлиб келганини айтди. Ушбу республикадаги биродаркушлик урушини тўхатиш ҳамда миллий муросага эришишга кўмаклашиш ниятида эканини билдирди. БМТ вакили минтақадаги вазиятни барқарорлаштириш борасида Ўзбекистон раҳбари юритаётган сиёсатга, уруш ва табиий офатдан катта талофат кўрган Тожикистон аҳолисига ўзбек халқи кўрсатаётган ёрдамга юқори баҳо берди.

Қабул маросимида республикамиз Президентининг давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, ташқи ишлар вазири С. Сафоев иштирок этди.

(ЎзА).

ОЛМАОТАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао раҳбарлигидаги делегация 25 май куни Тошкентдан Олмаотага жўнаб кетди.

Тайёрагоҳда Нарасимха Рао ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов журналистларга қисқа баёнот бердилар. Унда ҳар икки мамлакат расмий делегацияларининг музокаралари, учрашувлар, мулоқотлар натижаларидан мамнунлиги изҳор этилди. Имзоланган муҳим ҳужжатлар Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг анъанавий дўстлиги, ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Ҳиндистон Бош вазирини кузатиб қолганлар орасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, республика ташқи ишлар вазири С. Сафоев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Меҳмонларни кузатиш чоғида Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехта ҳозир бўлди.

(ЎзА).

* * *

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао жаноби олийлари Тошкентдан кетаётиб, самолётдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ушбу телеграммани йўллади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Расмий ташрифим тугаши муносабати билан гўзал мамлакатингизни тарк этар эканман. Сиз жаноб олийларига, шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматига самимий қабул учун миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

Мен ташрифим натижасидан, ҳамкорлигимизнинг янада юксалишига омил бўладиган самимий суҳбатларимиз ва икки томон ўртасида имзоланган битимлардан мамнунман.

Бизнинг халқларимиз ҳамкорлигимизнинг ўзаро манфаатли эканига ишонади ва келажакда ҳам алоқалар самарали бўлишига умид қилади.

Жаноб олийлари, Ўзбекистон ҳукуматига ва халқига энг эзгу тилакларимизни етказишингизни сўрайман. Сизга шахсан сиҳат-саломатлик ва бахт тилаб қоламан.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

24 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарасимха Рао жаноби олийлари бошчилигида Ўзбекистонга расмий ташриф буюрган делегациянинг аъзоси, Ҳиндистон Республикаси Ташқи ишлар давлат вазири Салман Хуршид жаноблари унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Ўзаро дўстона ва самимий руҳда ўтган суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ҳиндистон миллий конгресси (И) партияси ўз мамлакатларининг бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай ўрин тутаётганлиги, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ижобий натижалар бериши ва бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш, мунтазам ахборотлар алмашиб туриш лозимлиги ҳақида фикрлашиб олдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Республикамизнинг мустақилликка эришуви маънавий қадриятларимизга янгича муносабатни таркиб топтирди. Чунончи, фалсафа, иқтисодий назария, Ўзбекистон тарихи, сиёсатшунослик, ҳуқуқий таълим, эстетика, ўзбек тили ва адабиёти, социология ва психология сингари ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишни замон талаблари асосида ташкил қилишнинг қийинчиликлари, очиғини айтиш керак, яқол сезилмоқда.

Тошкент автомобиль йўллари институтида кеча ўз ишини бошлаган илмий-амалий конференция Ўзбекистон олий ўқув юртларида ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитиш масалаларига бағишланди.

— Биз бугун миллий истиқлол мафкурасини яратиш, уни ҳаётга татбиқ этишдек улуғвор вазифаларни бажаришга чоғланган эканмиз, аввало келажак авлод ҳақида ўйлашимиз керак, — деди анжуманни очаётиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари М. Қорабоев. — Шу маънода «Соғлом авлод учун» ордининг таъсис этилиши айни муддао бўлди. Бунда фақат жисмонан соғлом фарзандлар эмас, балки ақлан, маънавий баркамол ворислар кўзда тутилади.

У. ФАЙЗИЕВА.

• *Миллий истиқлол мафкураси ҳақида мулоҳазалар*

КУЧ-ҚУДРАТ МАНБАИ

Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

И. КАРИМОВ.

Кўп халқ, миллатларни ягона тизимга бўйин синдириб, уларни маълум қолипларга солиб тазйиқ остида ушлаб турган ягона иттифоқ қулашининг тасодифий эмаслиги — бу тарих ҳукми, зарурият эканлигини амалиёт исботлади. Шуниси таажжубки, иттифоқ ўрнида вужудга келган бирор миллий давлат аввалги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумнинг меросхўри бўлмади, ҳаммаси ундан воз кечди. Бу эса иттифоқда барпо этилган тоталитар социализмнинг вужудга келган мустақил давлатларда муайян бирор миллат хоҳишига, талаби, маънавиятига мос тушмаганлигини ҳам кўрсатади.

Яна шуни қайд этиш лозимки, барча миллий давлатларда иқтисодий соҳада ягона давлат мулкчилиги социалистик мулкчилик шакли ҳукмронлигидан воз кечиб, турли хил мулкчилик ва бозор иқтисодига ўтиш томон йўл олинди. Бу тарихий ўзгаришлар миллий давлатлар ҳамкорлигидаги республикаларда, ўз табиий-ижтимоий, тарихий-маданий қадриятлари таъсирида турлича амалга оширилмоқда. Инқилобий мазмун касб этувчи улкан ижтимоий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон ўз миллий давлатига эга бўлди — бу албатта халқимиз тарихида буюк ҳодиса — узоқ йиллик интилиш, ўй-орзулар нинг рўёбга чиқишидир. Миллий давлатимизнинг барпо бўлиши бу — мустамлакадан қутилиш, мустақилликни қўлга киритишнинг бошланғич мевасидир. Лекин бу сиёсий жиҳатдангина мустақилликни қўлга киритишдир. Ўз сиёсий тузумимизни ўзимиз яратмоқдамиз.

Иқтисодда тўлиқ мустақилликка эришиш маълум даврни талаб этади, бирданига аввалги иқтисодий алоқаларни бузиб ташлаш мумкин эмас. Бу бозор иқтисодига ўтиш билан узвий боғлиқдир. Бозор иқтисодига ўтиш ҳозирги Ўзбекистон иқтисодининг энг асосий йўналишидир, лекин бу жараён бошқа республикалардагига нисбатан ўзига хос томонларига эгадир. Бозор иқтисодига ўтиш бу — ҳозирги тарихий шароитда ривожланишни таъминлаш, дунё бозорига чиқиш, бутун дунёдаги энг тараққий этган давлатлар билан яқиндан алоқа боғлаш, халқ моддий фаровонлигини таъминлаш каби қатор долзарб иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлидир. Бозорга ўтиш — бу объектив зарурий жараён.

Лекин у асосий мақсад эмас, балки миллатни шакллантириш, халқ маънавиятини юксалтириш, янги етук қадриятларни яратиш, комил инсонларни етиштириш, фозил жамоа барпо этиш воситасидир. Демак, асосий мақсад маънавиятимизни юксалтириш, уни олий даражага олиб чиқиш, олий фазилатли инсонларни ўзида бирлаштирувчи демократик адолатга, тенгликка, бирликка асосланган жамият яратишдир. Маънавиятда ҳам аста-секин мустақиллик йўлига кириб бормоқдамиз, уни яхшилаш аввалги иттифоқ талаблари ўрнига ўз халқимиз, миллатимизнинг узоқ тарих давомида шаклланиб келган маънавиятини тиклаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш ҳозирда бу соҳадаги асосий вазифага айланди.

Президентимиз ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» асарларида жамият тарихида, хусусан ҳозирги Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлашда, янги жамият сари ривожида маънавиятнинг роли ва ўрнини юксак баҳолайди ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Маънавият жамиятнинг маънавий бойликларида ўз ифодасини топади. У инқилобий тўнтариш, ўзгаришлар шаклида эмас, балки, аста-секин тўпланиб, уйғунлашиб бориш асосида, ворислик асосида ривожланади.

Биз маънавиятни ўрганишга шу вақтга қадар марксизм-ленинизмнинг синфий кураш, синфий зиддиятлар ҳақидаги таълимоти асосида ёндашиб, инсониятнинг барча маънавий қадриятларини икки зид бўлакка кескин ажратишга ҳаракат қилиб, улардан бириня мақтаб, иккинчисини тўлиғича қоралаб, инкор этиб келдик ва ўзимизни, кўп маънавий бойликлардан маҳрум этдик.

Бу йил кузда Баҳоуддин Нақшбандийнинг 675 йиллик юбилейи ўтказилади. Бу йилни Қозоғистон ва Туркияда Яссавий йили деб эълон қилишди. Халқларимиз бошқа мусулмон ўлкалари билан бирга бу саналарни байрам қиладилар. Аввалари бу қадриятлардан «реакцион» деб юз ўгиришга мажбур бўлган эдик. Ҳолбуки, улуғ инсонлар асослаган Яссавия ва

(Давоми учинчи бетда).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш ишчанлик, талабчанлик ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Оролбўйидаги республика ҳокимият идораларининг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Жиззах ва Сурхондарё вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистон Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков маърузасида шаҳар ва қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга раҳбарликдаги Жиззах ва Термиз сессияларида очиб берилган нуқсонлар ва хатолар Қорақалпоғистонда ҳам мавжудлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов нутқ сўзлади.

(ЎзА).

• *Анъанавий машрабхонлик*

СЕНИ ЙЎҚЛАР ЗАМОН КЕЛДИ

Буюк бобокалон шоиримиз Бобораҳим Машраб ўзининг ғазалларидан бирида:

Намангандан кетар бўлсам,
Мени йўқлар кишим борму?

деб ўзининг ғариблиги, замонасининг ношудлигидан фарёд этган эди.

Юртимизда истиқлол шамолининг эсаётгани айниқса ўтмишда баракали ижод қилган табаррук зотлар руҳини шод этиш имкониятини бераётир. Зотан, бой қадимий ва навқирон маънавиятимиз дурдоналарини, ноёб меросимизни ўрганиш, кўз-кўз қилиш, ўзлигимизни англаш, Ватанга муҳаббат туйғусини юксалтириш, пировард натижада мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда наманганликлар Бобораҳим Машраб таваллуд топган кун муносабати билан унинг руҳи покини шод этдилар. Бу ерда ўтказилган машрабхонлик умумхалқ сайлига айланди. Дастлаб Бобур номли боғда катта гул байрами ўтказилди.

Эртаси куни тантаналар янги ташкил топган Бобораҳим Машраб номли боғда давом этди. Боғ байрам либосига бурканган эди. Бу ерда буюк шоирнинг қадами етган мамлакатлар меъморчилиги услубида қурилган бинолар, хиёбонларни кўриб кўз қувонади, дил яйрайди. Байрамда бир неча юз метрга чўзилган столстуллар ясатилди, кроватлар қўйилди. Вилоятнинг барча туманлардан келган меҳмонларга хайрия оши тортилди.

Машрабхонликка бағишланган тантаналарга қўшни Қирғизистон, Тожикистон республикалари, Хитойнинг Шеньхэй шаҳри, республикамиз пойтахти ва вилоятлардан вакиллар келишди. Уларнинг сафида таниқли адиб ва шоирлардан С. Аҳмад, Э. Воҳидов, Х. Шарипов, Ў. Ҳошимов, Р. Парфи, Т. Мирзо, Ҳ. Бобомуродова ва бошқалар бор.

Машрабхонликка бағишланган тантаналарни Наманган шаҳри ҳокими А. Икромов қисқача нутқ билан очди. Вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев сўзга чиқиб Бобораҳим Машраб эъзозланадиган вақтлар келганини айтди.

Шу куни 15 келин — куёвнинг никоҳ, 60 боланинг хатна тўйи ўтказилди. Базм пайтида келин-куёвларни Андижон вилоят хотин-қизлар кенгашининг раиси, шоира Т. Содиқова табриклади.

Вилоят санъаткорларидаги, бадиий ҳаваскорлари, спортчилари иштирокида катта театрлаштирилган саҳналар, шунингдек концертлар йиғилганларда чуқур таассурот қолдирди. Ғуломжон Ёқубов, О. Мадалиев, аскиячи М. Дарвешов каби санъаткорларнинг чиқишлари олқишлар билан кутиб олинди. Атоқли шоирлар иштирокидаги мушоира ҳам йиғилганларда зўр қизиқиш уйғотди.

Ф. ЙЎЛЧИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатларига сайлови ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21 ва 54-моддаларига мувофиқ ўрни бўшаб қолган депутатлар ўрнига қуйидаги: Тошкент вилояти 75-Ленин, Андижон вилояти 145-Комсомолобод, Қашқадарё вилояти 222-Қайнарбулоқ ва 224-Муборак, Наманган вилояти 261-Поп, Самарқанд вилояти 325-Жом, Фарғона вилояти 399-Саноат, 435-Сўх, 442-Водил, Хоразм вилояти 459-Қоромон ва Қорақалпоғистон Республикаси 477-Манғит сайлов округлари бўйича сайлов ўтказишни 1993 йил 27 июнь, якшанба кунига тайинлади.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1-модда:

биринчи қисмидаги «акцияли жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга» деган сўзлар «хўжалик жамиятлари ва ширкатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «фуқароларнинг» деган сўз «жисмоний шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-модда:

биринчи бандидан «мазкур ҳужжатларда қўзда тутилган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи банди «билан» деган сўздан кейин «ҳам» деган сўз билан тўлдирилсин;

учинчи банди «давлатлараро» деган сўздан кейин «ҳамда ҳукуматлараро» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. 3-модда қуйидаги мазмунда бўлган иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоасининг ўзи мустақил тарзда белгилаши;»

Иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилари тегишинча учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

Олтинчи хатбоши «давлат тасарруфидан» деган сўзлардан аввал «ошкоралик» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 4-модда:

иккинчи бандидаги «ер ости бойликлари» деган сўзлардан кейин «ички» деган сўз билан, «сув» деган сўздан кейин «ҳаво ҳавзаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи ва бешинчи бандлари чиқариб ташлансин.

5. 5-модданинг биринчи бандида:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар»;

учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошисидаги «СССРдан ташқаридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин, «мулкни олувчи» деган сўзлар «давлат мулкини сотиб олувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 6-модда.

биринчи бандининг иккинчи қисмидаги «акцияли жамиятга, бошқа йўсиндаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи бандидаги иккинчи, учинчи ва бешинчи қисмлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«— бошқа давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилаётган объектларни, уларнинг акцияларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёки у ваколат берган идора томонидан белгиланган тартиб бўйича сотиб оладилар»;

7. 7-модда чиқариб ташланиб, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21 ва 22-моддалар тегишинча 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20 ва 21-моддалар деб ҳисоблансин.

8. 7-модда:

биринчи қисмининг биринчи бандидаги «вакил қилган идораларга» деган сўзлар «ваколат берган давлат бошқаруви идораларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи бандининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«коммунал мулк объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига берилади»;

биринчи бандининг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини давлат мулкига ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига (коммунал мулкка) ажратишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши амалга оширади»;

иккинчи бандининг биринчи қисмидаги «юридик шахслар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва бошқа давлатларнинг юридик шахслари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмнинг учинчи бандидаги «республика мулкини» деган сўзлар «давлат мулкини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи бандининг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«коммунал мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид бўлса бу мулкнинг эгаси бўлган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларига берилади. Буюртманинг шакли ва йиғим миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўрнатадиган тартибда белгиланади»;

учинчи банди чиқариб ташлансин;

тўртинчи банди учинчи банд деб, бешинчи банди эса тўртинчи банд деб ҳисоблансин;

тўртинчи бандининг тўртинчи қисми чиқариб ташлансин.

9. 8-модда:

иккинчи бандининг биринчи қисмидаги «унинг касаба уюшмаси ташкилотининг ёки ўзга жамоа» деган сўзлар «жамоат» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 9-модда:

иккинчи банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Давлат мулки объекти қийматининг дастлабки баҳоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда аниқланади»;

учинчи банди чиқариб ташлансин.

11. 10-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10-модда. Давлат корхонасининг ижарага олинган мол-мулкини сотиб олиш

Ижарачи давлат мулки объектларини тасарруф этувчининг розилиги билан ўзи ижарага олган мол-мулкни (тўлиқ ёки қисман) сотиб олиши мумкин».

12. 11-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11-модда. Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш

1. Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш меҳнат жамоаси аъзолари томонидан давлат мулкининг (ҳақини бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўлаш орқали) сотиб олиниши ёки бу мулкнинг уларга текин берилиши йўли билан амалга оширилади.

2. Мол-мулк жамоа эгалигига сотиб олиниши чоғида жамоа корхонасининг уставида ҳар бир ходимнинг мол-мулкдаги ҳамда фойдадаги улуши белгилаб қўйилади, бунда уларнинг иш стажи, маошининг миқдори ва бошқа омиллар эътиборга олинади».

13. 12-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12-модда. Давлат корхоналаричи хўжалик жамиятлари ва ширкатларига айлантириш

1. Давлат корхонасини хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

2. Қуйидагилар хўжалик жамиятлари ёки ширкатларининг муассислари ёки акциялар (улуш, пай) эгалари бўлишлари мумкин:

меҳнат жамоасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг юридик шахслари;

давлат бошқарувининг республика ва маҳаллий идоралари».

14. 14-модда:

учинчи бандидаги «республика (коммунал) мулки» деган сўзлар «давлат ёки коммунал мулк» деган сўзлар билан алмаштирилсин; «давлат мулки объектларини» деган сўзлар «мулк объектларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 16-моддада:

иккинчи бандининг тўртинчи қисми чиқариб ташлансин.

16. 19-модда:

биринчи бандидаги «шу ердан пенсияга кетган меҳнат фахрийларига» деган сўзлар «меҳнат фахрийларига, шу корхонадан пенсияга чиққан шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи банди қуйидаги мазмунда бўлган иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Давлат корхонасининг мол-мулки шу корхона меҳнат жамоаси томонидан сотиб олинаётганида корхона балансида турган ижтимоий инфраструктура ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш объектларининг қиймати сотилаётган объект нархига қўшилмайди».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

• *Давлат назорати амалда*

ЭСКИРГАН ДОРИЛАР КАСРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорат қўмитаси «Фармация» ва «Тибашё» бирлашмаларининг фаолиятини ўрганиб чиқди.

Президентимиз Ислом Каримов халқ саломатлиги, унинг наслини асраш йўлида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Яқинда таъсис этилган «Соғлом авлод учун» ордени кўнгилларимизни ифтихор туйғуларига тўлдирди. Бу муқаддас мақсадга етишда тиббиёт соҳаси ходимларининг ҳам алоҳида ўрни бор, албатта.

Аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш, мавжуд шифохоналарни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш, беморларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш, дардига малҳам бўлиш — ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимизнинг кейинги 2—3 йил мобайнида аҳолини бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялашга қаратилган бир қатор Фармонлари ана шу каби муаммоларни ечишга қаратилгандир. Шу боисдан ҳам республика Давлат назорати қўмитаси бу соҳадаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш, мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш чора ва тадбирларини кўриш мақсадида республика соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Фармация» ва «Тибашё» ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини ўрганиб чиқди.

Шундай бир даврда, соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Фармация» ва «Тибашё» бирлашмаларининг масъул ходимлари (собиқ бош директор Х. Давлатов ва бош директор С. Аҳроровлар) таъминотчилар билан яқиндан ҳамкорликни тиклаш ишларини пайсалга солиб, сусткашлик билан иш олиб борганлар. Натижада, 1992 йилда жумҳуриятимизни дори-дармонларга бўлган эҳтиёжи 45 фоизга, шифохоналарнинг тиббий асбоб-ускуналарга бўлган эҳтиёжи эса — 50 фоизга қондирилган, ҳолос

Ажабланарли жойи шундаки, «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида «Ўзлекимпекс» ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар орасида воситачилик ролини ўйновчи янги фирма (директори М. Файзиев) ташкил этилишига қарамасдан, 1993 йил учун фақат 27,5 фоиз дори-дармон ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартнома тузилган, холос. Ўз-ўзидан савол туғилади, бюджет танқислиги даврида, шу соҳада воситачилик қиладиган фирманинг кераги борми? «Тибашё» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам бирлашманинг ёнғинасида жойлашган «Медиз» ҳиссадорлик корхонасида ишлаб чиқарилган бир марта ишлатиладиган шприцларни шифохоналарга етказиб беришда воситачилик қилиб 35 фоиз даромад олмоқда. Ҳисоблаб кўрганимизда 100 млн. дона шприц воситачилик орқали сотилганда бир йилда 60 млн. сўм даромад олиш мумкин экан. Шприцларни соғлиқни сақлаш муассасаларининг ўзлари «Медиз» акционерлик корхонаси омборларидан воситачисиз кўтара баҳода олса бўлмайдими, деган савол туғилмоқда. Тежалган 60 млн. сўмга яқин маблағ эса шифохоналарнинг қолган эҳтиёжлари учун ишлатилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бугунги кунда дори-дармонларнинг танқислиги, айниқса, жумҳуриятимизнинг фармацевтика бирлашмаси «Ўзхимфарм» (бош директори Т. Раҳматуллаев), «Медиз» акционерлик корхонаси (А. Толипов) раҳбарларини ташвишга солган бўлса керак, деган тахминимиз ҳам нотўғри бўлиб чиқди. Бу бирлашмада ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб ишлаб чиқарилган 667 млн. сўмлик 78 хил дори-дармонлар ва 16,5 млн. сўмлик бир марта ишлатиладиган шприцларнинг ҳаттоки цехларда ҳеч қаерга берилмасдан тўлиб-тошиб ётганининг гувоҳи бўлдик. Бош директорлар Т. Раҳматуллаев ва А. Толипов бундай аҳволнинг сабабини бизга тўғри тушунтириб бера олмадилар. Текширув давомида ушбу корхоналарнинг омборхоналарида йиғилиб қолган 472,5 млн. сўмлик (юқорида кўрсатилган маҳсулотлар) вилоятлар соғлиқни сақлаш муассасаларига етказиб берилди.

«Ўзхимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулоти аҳолимизнинг дори-дармонларга бўлган талабларининг фақат 5 фоизини таъминласа ҳам, бу бирлашма соғлиқни сақлаш вазирлигининг талаблари билан, кейинги даврда ҳисоблашмай қўйган ва кўпроқ мустақил давлатлар ҳамдўстлиги республикаларининг буюртмаларини бажаришга интилган.

Масалан, 1993 йилга лицензия учун тайёрланган ҳужжатларда республикамиз учун флакон «Пастушник» суюқлигини нархи 135 сўмдан, бир флакон «Валерьянка»нинг нархи 150 сўмдан таклиф қилинган бўлса, Беларусь республикасига ўша дорилар 1 сўм 16 тийин ва 4 сўм 8 тийиндан белгиланган ва ҳоказо...

«Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмасида (бош директорнинг биринчи муовини А. Иброҳимов) дори-дармонлар ва бошқа моддий бойликларни исрофгарчиликсиз сақлаш, уларни ўз вақтида ишлатиш, муддатларини ўтказмасдан шифохоналар ва дорихоналарга етказиб бериш масалаларига етарлича эътибор берилмайди. Танлаб ўтказилган текширувлар натижасида, 1992 йилда дорихоналарда 256 минг сўмлик дори-дармонлар камомади аниқланган. Текширув ўтказилган даврда марказий дорихона омборида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятлари дорихоналарида жами 560 минг сўмлик ишлатиш муддати ўтиб кетган дори-дармонлар бекор ётганлиги аниқланди.

Жумҳурият дорихона муассасаларининг техника базаси ҳам ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. 1993 йил 1 февраль куни ҳолатига кўра дори-дармонларни қабул қилиб олиш, уларни сақлаш учун керак бўлган омборхона биноларининг умумий фойдали сатҳи 231,6 минг кв. метр ўрнига 64,3 минг кв. метрни ташкил этади (27,8 фоиз). Ҳозирги омборхоналарнинг 30 фоизидан кўпроғи мослаштирилган биноларда жойлашган. Бухоро вилоятида амалдаги 150 дорихонадан фақат 15 таси (10 фоизи) махсус қурилган биноларда жойлашган. 79 дорихонада водопровод суви, 96 тасида канализация йўқ, кўпчилик дорихоналарда телефон ўрнатилмаган.

«Тибашё» ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятида ҳам жиддий нуқсонлар борлиги маълум бўлди. Ҳозирги даврда Белорусь Республикасида ҳар бир врач 137,5 минг сўмлик тиббий техника ва аппаратлар билан таъминланган бўлса, бизда бу кўрсаткич ўртача 63,2 минг сўмга тўғри келади. Ана шундай вазиятда «Тибашё» бирлашмаси (бош директори С. Аҳроров) даволаш муассасаларини тиббий техникалар билан таъминлашга эътибор бермаяпти.

«Тибашё» бирлашмаси республикага тиббий асбоб-ускуналар келтирилаётганда кўпинча соғлиқни сақлаш муассасалари талабини ҳисобга олмайди. Оқибатда 1993 йил 1 январидаги ҳолатга кўра бирлашма базасида 72,6 млн сўмлик меъёридан ортиқ товар заҳиралари йиғилиб қолган. Воҳаланки, ҳозир кўпгина тиббий асбоб ва ускуналар эҳтиёт қисмлар йўқлиги туфайли ишлатилмаяпти. Биргина Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли муассасаларда 66 турдаги энг зарур тиббий аппаратлар ана шу сабабга кўра бекор турибди. Бухоро вилояти клиника шифохонасида ЭКГ, спирограф, «Ромашка» аппаратлари бир неча йилдан бери ишлатилмайди. Умуман, республика бўйича ўтган йили 257 турдаги 1,43 млн., сўмлик тиббий ускуналардан фойдаланилмаган.

«Фармация» бирлашмаси шаҳобчалари ва шифохоналарда моддий бойликлар ва дори-дармонларнинг ҳисоб-китоби тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли, кўплаб нозиқ дорилар чайқовчиларнинг қўлига ўтиб кетмоқда. Бунинг ташвишли жойи шундаки, жуда эҳтиёткорлик билан сақланиши керак бўлган айрим дорилар чайқов бозорларида пайдо бўлаяпти. олдини олиш учун дарҳол жиддий чоралар кўрилмаса оқибати нимага олиб келишини ўзингиз бир ўйлаб кўринг?

Тўғри, ҳозир республикамиз мураккаб шароитни бошидан кечирмоқда. Шифокорларга ҳам қийин. Аммо, айтинг-чи, кимга осон? Вақти келиб бу мушкулотлар ҳам албатта орқада қолади. Лекин бунинг учун, тиббиёт ходимлари ҳам якдилу — ҳамжиҳат бўлиб, ҳар ким ўз вазифасини сидқидилдан адо этиши лозим.

Меҳмон РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат назорати қўмитасининг бош инспектори.

- **Дори-дармон учун шартнома тузиш 27 ярим(!) фоизда қолиб кетди, нега?**
- **Воситачиликнинг баҳоси — 60 миллион!**
- **Валерьянка керакми? Марҳамат, 150 сўм! Хорижга 4 сўм 8 тийин?..**
- **Бекор ётган тиббий ускуналарнинг эгаси борми?**

• *ХДП ҳаётидан*

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ КИМЁГАРЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев бошлиқ партия фаоллари Навоий вилоятининг гигант саноат корхоналаридан бири «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлишиб, кимёгарлар амалга ошираётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Айниқса меҳмонларда бирлашманинг нитрон ишлаб чиқариш заводидаги технологик жараёнлар катта қизиқиш уйғотди. Мазкур заводда айни пайтда турли хилдаги нитрон толаси тайёрланиб бир пайтнинг ўзида бу толадан тайёр газламалар — чойшаблар, автомобиль ғилофлари ишлаб чиқарилмоқда. Яна бир характерли томони бу — сунъий толанинг нафақат Ҳамдўстлик мамлакатларида, балки, хорижда ҳам харидоргирлигидир. Масалан, кейинги икки йилнинг ичида Япония, Хитой, Америка, Италия сингари ўнлаб ривожланган ғарб мамлакатларида нитрон сунъий толасини фақат валютага сотиб олувчи фирма ва компаниялар муттасил кўпаймоқда. Бу эса бирлашма иқтисодиётини ўнглашда қўл келмоқда.

Меҳмонлар нитрон заводида бўлишганда тўла автоматлашган, хориж технологияси асосида қайта таъмирланган цехлардаги иш маромии ва жараёнларидан беҳад мамнун бўлишди. Шуниси қувончлики, заводдаги айтарли барча иш жараёнлари, жумладан сунъий ипларни ранглаш, йигириш, калавалаш, ғалтақлаш бутунлай хотинқизлар зиммасида. Шунингдек, аёллар ишлаётган цехлар ойдин ва мусаффо бўлиб саранжом-саришталикка эришилган. Ҳаммасидан ҳам бу ерда ишловчилар тўласинча ижтимоий ҳимояланган. Кимёгарлар учун алоҳида соғломлаштириш пункти, профилакторий, болалар боғчалари ишлаб турибди.

Бирлашмага ташриф давомида меҳмонларга вилоят ҳокимининг биринчи муовини Л. Виленский, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Б. Рўзиев, Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори В. Крупин ўртоқлар ҳамроҳлик қилишди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚАЛБЛАРДА ОНА-ЮРТ МЕҲРИ

Яқинда ХДП Қашқадарё вилояти партия кенгаши бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Бугунги кунда ХДП вилоят кенгаши бошланғич ташкилотида 210 нафар партия аъзоси бор. Улар йиғилишга уюшқоқлик билан тўпландилар.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Президенти, ХДП раиси И. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон— келажаги буюк давлат» китобларида баён этилган қоида ва хулосалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси қарорларидан келиб чиқадиган партия аъзоларининг вазифалари ҳақида»ги масала муҳокама қилинди. Йиғилишни очган бошланғич партия ташкилоти котиби Р. Ражабов маъруза учун ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Халқ депутати Ф. Омоновга сўз берди.

— Олий Кенгаш сессиясининг муҳим аҳамияти шундаки, — деди маърузачи, — биз кимлигимизни, янги жамият қуришнинг қайси чорраҳасида турганлигимизни англаб олдик. Президентимиз сессияда сўзлаган нутқида республикамиздаги ижтимоий-сиёсий аҳволни атрофлича тушунтириб берди.

Сессияда таъкидланганидек, кўнгилдаги Ватан ҳамма нарсадан улуғ, ҳамма нарсадан муқаддас. Партия аъзолари анжуманда илгари сурилган ғояларни оммага етказмоқлари, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласида таъкидланган улуғвор вазифалар ҳамда республикамиз истиқлоли ҳақидаги тушунчалар ҳақида кенг тарғибот ишлари олиб бормоқлари зарур.

— Давлатимизнинг мустақиллигини таъминлаш ёш авлодга боғлиқ, — деди вилоят ёшлар иттифоқи қўмитасининг иккинчи котиби Б. Юсупов. — Шунинг учун ҳам Президентимиз ёшларга ишонч ва умид билан қараб катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Кейинги пайтда ёшларга доир қабул қилинган қатор Фармонлар фикримизнинг далилидир.

— Биз Беруний, Ибн Сино, Амир Темир, Бобур, Алишер Навоий аждодларимиз, — деди йиғилишда сўзга чиққан вилоят халқ таълими бошқармаси бўлим мудири Ҳ. Хуррамов. — Ҳаммамизга маълумки, юртбошимиз дастлабки иш фаолиятиданоқ ўқитувчи меҳнатини қадрлаган эди. Мен оддий ўқитувчи, 10 фарзанднинг отасиман. Яқинда икки қаватли яшаб турган коттежим хусусийлаштирилиб берилди. Бундан ортиқ ғамхўрлик бўладими?

Президент Олий Кенгаш сессиясида «Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз, энг улуғ ишларимиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли — мустақиллик, истиқлолни мустаҳкамлаб олга бориш» деди. Дарҳақиқат, ҳар бир қалбда Ватанга меҳр ва садоқат туйғуси жўш уриши, истиқлолни мустаҳкамлаш сари дадил қадам қўйилиши зарур. Ана шу улуғ ва машаққатли йўлда партия аъзолари фидойилик кўрсатмоқлари керак.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мух. бири.

• *Долзарб дамлар масъулияти*

Мана шу долзарб кунларда республикамиз деҳқонлари бутун маҳоратларини, куч-қувватларини табиий офат оқибатларини бартараф этиш, экинларни тезроқ ривожлантириш учун ҳаракат қилаётирлар. Арнасой районидаги «Тараққиёт» давлат хўжалиги деҳқонлари ҳам барча майдонларга экилган ниҳолларни меҳр билан парваришламоқдалар.

Шуниси қувончлики, хўжаликда кейинги йилларда дончиликка ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Зеро совхоз ишчиларини бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялаш учун ҳам шундай қилиш керак. Етиштирилган донни асосий қисми одамларга ун қилиб тарқатилади. Шу сабабли Тожибой Эргашев бошлиқ бригада аъзолари 40 гектар майдонга экилган буғдойни меҳр билан парваришладилар. Бунинг учун албатта кетмакет ёққан ёмғирлар ҳам фойда берди. Мана эндиликда буғдой бошоқлари етилиб қолди. Ҳадемай ўрим ҳам бошлаб юборилади. Миришкорларнинг нияти — ҳар гектар майдондан 30 центнердан буғдой ҳосили йиғиштириб олиш. Бригада аъзолари 296 гектар ерда пахта ҳам етиштирмоқдалар. Улар бу экиндан гектар ҳисобига 22 центнердан ҳосил олишни мўлжалга олишган.

СУРАТДА: (чапдан) бригада бошлиғи Т. Эргашев, механизатор Т. Эгамбердиев, хўжалик бошлиғи Ш. Курбонтоев ва механик-ҳайдовчи Ҳ. Исҳоқов.

Н. АЛМУРОДОВ.
олган сурат.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани пиллакорлари 135 тонна ўрнига 140 тонна сара ҳосил топшириб режани ортиғи билан уддалади. Улар ялпи ҳосилни 200 тоннага етказишга қарор қилдилар.

• • •

Усмон Юсупов ва Нишон районлари пиллакорлари давлатга пилла сотиш режаларини Қашқадарё вилоятида биринчилар қатори ошириб уддалашди. Қабул пунктларига нишонликлар 950 қути ипак қуртидан 44 тонна, Усмон Юсуповликлар 352 қути ипак қуртидан 16 тоннадан кўпроқ юқори сифатли қимматбаҳо хом ашё топширди.

Қўлга киритилган муваффақиятларга Нишон районидаги «Чорағил», Чўли Бегимқулов номли, «Пахтаобод» жамоа ширкат хўжаликлари, Усмон Юсупов районидаги «Миришкор», «Женов», «Тошкент» давлат хўжаликлари пиллачилари катта ҳисса қўшдилар.

Давлатга пилла топшириш қизғин давом этмоқда.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

УРУҒЛИК ПИЛЛА ТЕРИЛМОҚДА

Асака туманидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалигида уруғлик пилла терими бошлаб юборилди. Ҳайитхон Қурбонова, Ҳалимахон Бозорова, Азизахон Ботирова, Шаҳринисо Абдужалилова сингари миришкорлар ҳар қути уруғдан юз килограммдан ошириб юқори навли ҳосил топширдилар. Хўжаликда 355 қути қурт боқилди. Пиллакорлар бу йил давлатга 30 тоннадан кўпроқ сифатли хом ашё етказиб бериш ниятида тер тўкмоқдалар. Демак, уларнинг рўзғорларига барака киради.

БАРАВЖ ҒЎЗАЛАР

Сурункасига ёққан ёмғир Фарғона районидаги «Янги ҳаёт» жамоа хўжалиги пахтакорларини шошириб қўяёзди. Лекин агротехника қоидалари асосида иш тутиш, парваришга зўр бериш ҳавфнинг олдини олди.

Хўжаликнинг 800 гектар майдонида чигит тўлиқ ундириб олинган. Қаторлар тўла. Ғўзалар баравж, деб таъкидлади жамоа хўжалиги бошқарувчи раиси Рўзиматжон Раҳимов. — Бунда пахта усталарининг ҳиссаси катта.

Дарҳақиқат, унумли меҳнат ғўзалар аҳволини яхшилаб, экиннинг ривожланишини тезлаштиришга кафолат яратяпти. Фозилжон Жамолов, Олимжон Йўлдошев, Мунисхон Қодирова, Эргашали Пўлатов бошлиқ бригада аъзолари кўзланган ҳосил етиштириш учун мардона меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу эса гектаридан камида 35—40 центнердан пахта етиштириш имкинлигидан дарак бериб турибди.

Р. ҲАЛИМОВА,
Фарғона вилояти.

• МУСТАҚИЛЛИК САБОҚЛАРИ •

ВАТАН — БИЗНИНГ ШОНИМИЗ

Мирзажон ИСЛОМОВ,
Фарғона вилояти ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Ватан буюк ва қудратли, илғор ва маърифий бўлмоғи учун унга ҳақиқий фидойилар, миллат жонкуярлари керак. Биз кўҳна туркистонликлар деярли бир ярим аср мобайнида қарамлиқда яшадик. Дастлаб чор Россиясига, кейин эса «Қизил империя»га сажда қилдик. Эрк нима, озодлик нима, миллий ғурур нима эканлигини сал бўлмаса унутаёздик.

Ваҳоланки, халқимиз тарихи кўҳна ва бой бўлиб, бобокалону аждодларимиз, ўз шажарамиз билан фахрифтихор қилишга минг маротаба ҳақлимиз. Президентимиз И. Каримовнинг ҳар ким ўз етти пуштини билиши зарурлиги ҳақидаги даъвати чин ҳаёт талабидир. Ота-бобоси руҳи-покини эъзозлаган, ҳурмат бажо келтирган кишининг имони бутун бўлиши барқарор.

Миллатимизни камситишга, халқимиз қадр-қимматини топташга уринганлар ва ҳозир ҳам бу йўлда зўр бериб чиранаётганларга юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида очиқ-ойдин ва лўнда жавоб қайтарди. Ана эртанги кунимиз, келажагимиз ҳам яққол ўз ифодасини топган. «Халқимизнинг маънавий пойдевори — бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам — деди Президентимиз. — Буни ҳеч ким инкор қила олмайди. Тарихимиз неча-неча минг йилликларга борib тақалади. Гапнинг индоллосини айтишимиз керак: айрим мамлакатларда одамлар ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг ота-боболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар». Ҳақиқий юрт фарзандининг топиб айтган гапи бу. Бундай ибрат олиш керак. Ҳаммамиз ана шундай ватанпарвар бўлсаккина миллатимиз, халқимиз, жонажон Ўзбекистонимиз мустақил мамлакатлар, тараққий этган давлатлар ичида ўз ўрнини топади. Ўшанда жаҳон яна Улуғбек, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби ўзбек алломаю жаҳонгирларини, теран мушоҳада қилувчи сиёсий арбобларни таниб, эътироф этади.

Муқаддас мустақиллик карвонимиз эзгу манзиллар сари йўлга чиқди. Уни тўхтатиб қоладиган ёки ниятидан чалғитадиган дунёда бирорта куч йўқ. Бунга бизнинг ишончимиз комил. Аммо, мана шу машаққатли ва мураккаб йўлда ўзини Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг жамики хатти-ҳаракатлари, бажараётган ишлари, айтаётган сўзлари Ватан манфаати деган улуғ бир мезон билан ўлчанмоғи лозим.

Ватан манфаати, миллат ғурури бизнинг бош шиоримиз, маънавий мақсадимиз бўлмас экан одимларимиз изчил ва равон бўлмайди.

Ўзбекистоннинг дурдонаси ҳисобланган Фарғона вилояти келажаги буюк давлатимизда олдингидек ўзининг иқтисодий, маънавий мавқеига эга. Ўша улуғ анъаналарни давом эттириш, Ватан манфаатлари йўлида фидойилик билан меҳнат қилиш бугунги кунда ҳар бир фарғоналиknown, оддий кишидан тортиб, вилоят ҳокимигача бўлган ҳар бир софдил инсоннинг муқаддас бурчидир. Вилоятимизда кейинги пайтда ана шу мезондан келиб чиқиб, бир қатор мақтагулик ишлар амалга оширилмоқда. Миллий қадриятларимизни тиклаш, қутлуғ меросимизга ҳурмат билан қараш, одамларни эъзозлаш, меҳнаткашга иззат-икром кўрсатиш, ҳар бир соҳада олға қадам ташлаш вилоят ҳокимлигининг энг долзарб ва бош вазифаси бўлиб турибди. Интизом ва яна интизом кундалик шиоримизга айланган. Биз бутун куч-ғайратимизни ўша улуғ мақсадларни амалга оширишга қаратганмиз. Бу ўз самарасини бермоқда. Вилоятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳукм сурмоқда.

Бундан атиги бир йил олдин вилоятдаги аҳвол қандай эканлигини эслашнинг ўзи баданни жунжиктириб юборар эди. Фарғона воқеаларидан юрак олдириб қўйган вилоятнинг баъзи бир раҳбарлари жиноятчи гуруҳларга очиқдан-очиқ ён босарди, қатъий чоралар кўришга юракларидов бермас эди. Тахликавий вазиятдан аҳолининг қўли ишга бормай қолган, кўнглига тўю томоша, хурсандчилик сиғмасди. Ҳатто кўчага чиққан фарзанди учун ота-она ҳавотирда эди. Бундай вазиятдан тўс-тўполонларнинг асл ташкилотчилари — жиноятчи гуруҳлар манфаатдор эдилар. Уюшган жиноятчилар ва уларнинг ҳомийлари томонидан ташкил этилган ўйин республика Президенти қатъий ташкилий чоралар кўрмагунча шу алфозда давом этиб келди. Юртбошимиз бошлаб берган ташаббус вилоятда астойдил қўллаб-қувватланди. Биринчи ҳамланинг ўзидаёқ кўплаб уюшган тўдалар, рэкетчи гуруҳлар қўлга олинди. Улардан турли йўллар билан ўғирланган 65 миллион сўмлик пул ва моддий бойликлар, 55 та автомашина тортиб олинди ва эгаларига қайтарилди. Жабрдийдалар камайди. Жиноятчилар оёғи остида ер ёнаётганини кўрган аҳолининг кўнгли секин-аста таскин топа бошлади. Шоду ҳуррамлик, хотиржамлик хонадонимизга яна қайтиб келди. Кишиларнинг ҳукуматга, Президентга ишончи ортди. Халқнинг жонига теккан, бир чақалик фойдаси йўқ норасмий митинглар, бақириқ-чақириқлар ҳам даф бўлди.

Бугунги кунда мухолифат деб аталмиш кучларнинг ижтимоий негизи ҳам, ғойибий мададкорлари ҳам кўзга яққол ташланиб қолди.

Кўпчилик томонидан эътироф этилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси эса, аксинча, қаддини тиклаяпти. У аҳолининг барча қатламларини қамраб олиб сиёсий куч сифатида фаолият кўрсатаяпти. ХДП вилоят кенгаши ҳокимликлар билан алоқани мустаҳкамлашга интилиб, менимча, жуда тўғри йўлни танлаган. Бу ҳамкорлик яхши самара бериши мумкин.

Мафкура соҳасида ҳали жуда кўп ишлар қилишимиз лозим. Ана шундай пайтда партия аъзоларининг тарғиботчилик, ташкилотчилик тажрибаси асқотади, деб ўйлайман.

Шу ўринда республика Президенти ташаббуси билан ташкил топган «Маҳалла» хайрия жамғармаси тўғрисида тўхталиб ўтиш жойиздир. Шундай жамғарма ташкил этилиб ўз ҳолича, баҳоси-қудрат иш олиб бораётган маҳалла қўмиталарининг боши қовуштирилди. Уларни фаоллаштириш бобида ҳар томонлама мадад кўрсатилди. Республика бюджетидан 25 миллион сўм ажратиб берилди. Вилоят ҳокимлиги ҳам бу савоб ишдан четда тургани йўқ. Ҳокимлик вилоят бўлими ташкил этилган куниёқ унга 500 минг сўм ўтказиб берди. Ҳозирги кунда вилоят бўлими ҳисобига тушган маблағлар 58 миллион сўмдан ошиб кетди. Хайрия мақсадлари учун йил бошидан буён салкам 2 миллион сўм сарфланди. Шундан 1 миллион 782 минг сўми ёши 90 ва ундан ортган қарияларга мадад тариқасида тарқатилди. Ночор аҳволга тушиб қолган 12 та оилага моддий ёрдам учун 160 минг сўм ажратилди.

Вилоятимизда салкам 2 мингта маҳалла қўмиталари ишлаб турибди. Оқсоқолларимиз жойлардаги аҳволдан ҳамиша хабардорлар. Маҳалла қадимги удумларимиз тикланадиган, осойишталик ўчоғига айланди. Қува туманидаги Сойкелди маҳалласида амалга оширилган ибратли ишлар юзасидан махсус фармойиш қабул қилганимиз ҳам бежиз эмас. Улар ўз маҳаллаларида чинакам ўзбекона маданиятни тикладилар. Натижада кексаларга ҳурмат, ёшларга иззат, етим-есирлар, бева-бечораларнинг бошини силаш, ҳашар йўли билан атрофни ободонлаштириш каби хайрли ишлар тобора қанот ёймоқда.

Ўзбекларнинг саховатпешалиги, одамжонлиги, меҳр-шафқатлилиги дунё халқларини ҳамиша ҳайратга солиб келди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан бугунги кунда одамларимиз қалбида яхшилик ва эзгулик уруғлари ниш ураётганлиги, уйғонаётганлиги бизнинг катта ютуғимиздир. Шу йилнинг ўзида бир қанча туманларда 500 га яқин етимесир, камбағал ва ночор оилалар фарзандларига хайрия хатна тўйлари қилиб берилди. Йирик, иқтисодий бақувват ташкилотлар ана шундай фуқароларга ёрдам кўрсатганлиги ҳақида гапириш нақадар ёқимлидир. Вилоятимизда илк бор намоён бўлаётган бу удумларни янада кенгроқ тараққий эттириш, уларга янги руҳ бағишлаш ҳокимлигимизнинг бош вазифаларидан бўлиб қолаверди. Уддабурон, ўзига тинч ва бой-бадавлат хонадон соҳиблари ҳам бундай савоб ишга қўл уришади ва ўксик кўнгилларни кўтариш учун маблағларини аямайдилар, деган умиддамиз.

Хайрия ташкилотларининг сони ҳам, улар кўрсатаётган моддий ёрдам миқдори ҳам тобора ортиб бормоқда. Шу ўринда фарғоналиклар бошлаган бир хайрли тадбирни эслашга тўғри келади. Тожикистондаги фожиалар туфайли минглаб одамлар бошпанасиз қолдилар. Уларнинг маълум қисми вилоятимизга паноҳ излаб қочиб келишди. Аҳвол шунчаликка етиб бордики, қачоқларнинг ҳам, қўшни Тожикистон республикасида жон сақлаётган кишиларнинг ҳам холидан хабардор бўлганларнинг раҳми келаверди. Қўшнинг тинч — сен тинч деб бежиз айтилмаган экан. Ўша қийин кунлари биз ҳам ҳаловатимизни йўқотдик. Вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Тожикистонга ёрдам кўрсатиш жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғармага вилоят меҳнаткашларининг бир кунлик иш ҳақи тўлалигича ўтказилди. Ёрдам фондига тушган маблағ 60 миллион сўмдан ортиб кетди. Маблағнинг бир қисми Тожикистондаги ўзбеклар жамиятига, яна бир қисми жабрдийдаларга ёрдам кўрсатиш учун юборилди. Қочоқларни она диёрларига қайтиб олиб бориш учун 30 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. Вилоятимизга бошпана излаб келган 12 минг қочоқларнинг кўпчилиги ўз Ватанларига аллақачон эсон-омон етиб олганлар. Ўйлаб кўринг, аввалари бундай ишга марказнинг ижозатисиз қўл уриб бўлармиди?

КАДРЛАР. масаласи ҳар бир ишда муҳим саналади. Вилоятда, айниқса, унга жиддий эътибор берилмоқда. Мустақиллик туфайли ҳар бир юқори мартабали ходимнинг фаолияти энди ўз назоратимиз остида бўлиб қолди. Илгаригидек арзимаган юмуш билан марказга чопишлар барҳам топди. Биз ишчан, фидоий одамларни чўчимасдан масъулиятли лавозимларда синаб кўряпмиз. Халқнинг оғирини енгил қилган, муаммоларни ўз вақтида ҳал этган раҳбар ошини еяпти. Агар ўз вазифасини суиистеъмол қилса, эл орасида обрўйини тўкса, бундай кишиларнинг баҳридан ўтилмоқда. Бир қатор шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари алмаштирилганлиги фикримнинг далилидир. Йўлни тўғри танлаганлигимиз боис бу ишлар яхши самара бераяпти.

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур ўз набираси Мирзо Улуғбекка «Ҳеч қачон атрофингга лаганбардор, тилёғлама кимсаларни тўплама, улар сен эмас, ўзларини ўйлаб гапирадилар» деган эканлар. Соҳибқиронинг яна ибратомуз шундай гаплари бор: «Мақтовларга маҳлиё бўлма, яна унутмагинким, бугунги мақтовлар эртага абадий лаънатларга айланмоғи мумкин». Биз бобомиз ўгитларини эсдан чиқармасак ишимиз олға юраверади.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ келажаги кўп жиҳатдан биз ёшларга қандай муносабатда бўлаётганлигимизга боғлиқ. Шундай экан, Ватанга фидойи кишиларни кўпайтириш, уларни тарбиялаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллигимиз шарофати билан ҳозир биргина Туркиянинг ўзида вилоятимизнинг 212 нафар ўғил-қизи таҳсил кўрмоқда. Истиқлол фарзандларимиз учун ташқи дунё эшикларини очди.

Вилоятимизда кўплаб чет мамлакатлар фирмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган кўшма корхоналар ишлаб турибди. Уларда тайёрланаётган маҳсулотлар истеъмол бозорини тобора бойитмоқда. Ҳозирги кунда йигирмадан ортиқ ана шундай корхоналар қад ростлаган. Улар учун ҳам самарали ва ҳалол ишлайдиган билимдон кадрлар керак. Ана шундай ноёб мутахассисларни тайёрлашда биз хориждаги энг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда иш юритишни режалаштириб қўйганмиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун ҳар бир киши — хоҳ у давлат ташкилотининг ходими бўлсин, хоҳ хусусий соҳанинг ишбилармони бўлсин, бундан қатъий назар, интизом ва топширилган ишни бажариш йўлида юксак масъулият билан ёндашишни таъминлаш янги мафкуранинг зиммасига юкланган энг муҳим вазифадир. Бу ўринда биз чет мамлакатларнинг кўпни кўрган кишилари тажрибаларидан оқилона фойдаланишга қарор қилганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида Президентимиз мустақилликнинг шаҳдам одими йўлида учта асосий жиҳатга эътиборни қаратиш зарурлигини айтдилар. Биринчидан, Ўзбекистонда ислоҳот фақат иқтисодиётда эмас, маданиятда, сиёсатда, бошқа соҳаларда ҳам юз бермоқда. Буни кўнгилдагидек ниҳоясига етказилиши топширилган ишга юксак масъулият билан ёндашилишига боғлиқ.

Ўзбекистон бозор муносабатларига бошқа қўшни Республикалар сингари шошма-шошарлик билан кириб бораётгани йўқ. Сал кечроқ бўлсада ўтмишни шафқатсизларча бузишга чек қўйдик. Натижада оммавий қашшоқланишни четлаб бозор эшигидан босқичма-босқич, қадам-бақадам кириб бораяпмиз. Шукрки, одамлар бундай сиёсатни қадрламоқдалар. Қийинчиликлар сабр-бардош, тоқат билан енгиб ўтиляпти. Эртанги кунга, келажакка ишонч тобора кучайиб, халқимизнинг бунёдкорлик ишларига куч-қудрат бағишламоқда.

Сўнгги пайтларда «демократия» ва «инсон ҳуқуқлари» поймол қилиняпти, дея чўзилишлар ҳам учраб қоляпти. Улар мана шу ғояларнинг маъносини АҚШ, Англия, ва бошқа мамлакатлардан излашни билишадию, лекин улардаги қонун устиворлигини кўриб-кўрмасликка олишади. Қонунни бузганларга нисбатан ривожланган мамлакатларда полиция таёқчалари ишлатилганини кўрмаганмизми? Демак, бу адолатли қонун бажарилишини таъминлашнинг ўзига хос усули, Ўзбекистон маъмурларининг қонунга риоя қилиш ҳақидаги ҳеч қандай куч ишлатмай қилаётган талаби мухолиф кайфиятли шахслар томонидан инсон ҳуқуқларини камситиш дея тушунилмоқда. Бундай мантиқсиз «сиёсатдан» кимга фойда? Ўйлайманки, бу мустақиллик йўлига ғов қўйишга уриниш, соғлом фикрларни чалғитишдан ўзга ҳеч нарса эмас.

Хулоса сифатида шуни айтишим керакки, ислоҳот ва унинг барча мушкул ва қийин сабоқлари ҳар биримиз учун тушунарли ва қадрлидир. Чунки, мустақил Ўзбекистонимиз ўз йўлини бошқа бир мамлакатдан кўчириб олаётгани йўқ. Унинг ривожланиши бутунлай янгича услубда, бироқ жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибаларига таянилган ҳолда олиб борилмоқда.

Бу йўлнинг оғирига ҳам, енгилига ҳам сабр-бардош билан чидаш ва уни онгли равишда талқин қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Мирзамавлон МИРПЎЛАТОВ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари қўмитасининг раиси Мирзамавлон Мирпўлатов оғир хасталикдан сўнг 41 ёшида вафот этди.

М. Мирпўлатов ўз иш фаолиятини 1969 йилда Тошкентдаги Ўзбекистон трактор йиғув заводида чилангар-йиғувчиликдан бошлади. Армия хизматини ўтаб келганидан сўнг Тошкент агрегат заводида ишлади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника билимгоҳини тугатгач, завод комсомол, касаба уюшмаси ва партия ташкилотларида масъул вазифаларда хизмат қилди.

М. Мирпўлатов 1985—1991 йилларда Акмал Икромов тумани партия қўмитасида бўлим мудири, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасида масъул ходим бўлиб ишлади. Ҳаётининг сўнгги йилларида эса у Тошкент шаҳар касаба уюшмалари қўмитасининг раиси лавозимида меҳнат қилди.

Мирзамавлон Мирпўлатов истеъдодли раҳбар, самимий дўст, ажойиб инсон сифатида хотирамизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси.



Тошкент. «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмасида оқ-қора тасвирдаги «Нодира» деб номланган телевизорларнинг дастлабки туркуми савдо тармоқларига чиқарилди. Йил охиригача бирлашма ишчилари рангли телевизорлар ишлаб чиқаришни бошлаб юборадилар.

СУРАТДА: моҳир йиғувчилардан Дилфуза Маюсупова ва Мамлакат Қосимова.

Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзА).

КУЧ - ҚУДРАТ МАНБАИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Нақшбандия тасаввуфлик оқимлари халқларни бирлаштиришга, уларнинг аҳлоқий, маънавий тозалик йўлидан боришига қаратилган эди.

Маънавият ривожи маълум халқ фаолияти тарихи билан боғлиқ, шу жиҳатдан миллийлик характерига эгадир. Олдинги иттифоқда маънавиятнинг миллийлигини камситиш, миллий маънавиятларни социализм қуриш мақсадларига бўйсундириш асосий йўналиш бўлиб келган эди. Байналминаллик байроғи остида улуғ «оғамиз»нинг маданий-маънавий қадриятларига сажда қилиш, улардан ўрнак олиш ва улар йўлидан юриш тарғиб этилди — бундан чекинганлар қораланди, айбланди.

Мустақиллик маънавиятимизнинг мазмуни, йўналишинигина эмас, унинг тушунчаларини ҳам қайта кўриб чиқиш, янгилашни талаб этади. Қураётган янги жамиятимиз биз билган социализм ҳам, капитализм ҳам бўлмайди — буни, қандай «изм» бўлишини келажак кўрсатади. Лекин ҳар иккисида вужудга келган маънавият ривожига хизмат қиладиган умуминсоний қадриятларни, фазилатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш янги жамият маънавиятининг вазифасидир. Биз, афсуски, КПСС сиёсати даврида вужудга келган барча бойликларни ҳам қоралашга берилиб кетдик. Бу ҳам бирёқламаликдир. Бу бойликларни ҳам халқ ўз меҳнати, қийинчиликлар билан бунёд этди. Илм-фан, маориф, санъат ривожи, маданий бинолар қурилиши кабилар соҳасида халқимиз катта ишларни амалга оширди. Бу даврда ҳам халқдан чиққан истеъдодлар сиёсий-ғоявий тузумнинг сиқувига қарамай маданиятга, маънавият ривожига катта ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам Президентимиз атоқли шоир Ғафур Ғулом юбилейининг Навоий театридаги якунловчи кечасидаги сўзида бундай истеъдод эгаларининг халқимиз маънавиятига қўшган ҳиссасини қадрлаш зарурлигини, улар келажагимизни яратишга хизмат қилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Маънавиятимизнинг шу кунларга етиб, янгиланиш йўлига киришида бу ютуқлардан ижобий фойдаланиб янада юксалиш ҳозирги вазифамиздир. Маънавиятимизни янгилаш, тиклаш масалалари янги Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топди. Эндиликда янгиланаётган маънавият асосида мустақил, истиқлол мафкурасини яратиш кун тартибидаги долзарб масаладир.

Афсуски, ижтимоий янгиланишнинг бошланишида марксизм-ленинизм билан бирга умуман ҳар қандай мафкурадан воз кечишни тарғиб қилувчилар кам бўлмади. Ҳатто мафкура масаласи тилга олинмай қўйилди. Бу масалага ҳам Президентимиз биринчи бўлиб эътиборни жалб этди. У республика ёзувчилари билан бўлган учрашувда бу соҳада бўшлиқ вужудга келганини, миллий истиқлол мафкураси ҳозирча йўқлигини қайд этб, уни яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишни олдимизда турган энг муҳим масала қилиб қўйди. 1993 йил 6 мартдаги Олий Кенгашнинг ўн иккинчи сессиясидаги ўз нутқида эса, бу масалага батафсил тўхтаб ўтди.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, янги жамият қуриш мақсадини амалга ошириш, халқни шунга йўналтирмай ва уюштирмай рўёбга чиқариш мумкин эмас. Бу эса халқни шу мақсадга йўналтирувчи, тарбияловчи ғояни, янги мафкурани яратишни долзарб масала қилиб қўяди.

Ҳар бир жамият ўз мақсадларини ҳимоя этувчи, шу мақсад атрофига халқни уюштириб сафарбар қилувчи ғояларига эга бўлиши керак. Бундай ижтимоий ғоялар маънавиятнинг маълум уйғунлашуви ва натижаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон халқлари маънавияти узоқ тарихга эга. Бизнинг маънавий меросимиз ниҳоятда бой ва мустаҳкам, унда минг йилларнинг маънавий ривожланишнинг ютуқлари ифодаланиб қолгандир. Фозил шахс, комил ва аҳлоқий етук инсон ҳақидаги ўйлар X асрдаёқ Абу Наср Форобоий ижодида муҳим ўринни эгаллайди ва бу ғоялар ўз даврида илғор кишиларни янги ижтимоий ютуқларга илҳомлантирди.

Ғоялар тизмаси, идеялар системалашса, идеология — мафкурани вужудга келтиради. Мафкура жамиятнинг турли соҳалари ҳақидаги янги иқтисодий, сиёсий, фалсафий, аҳлоқий, ҳуқуқий, диний қарашларнинг мажмуидан иборатдир. Мафкура янги маънавиятнинг ютуқларини ифодаловчи назарий билимлар, қарашлар мажмуи сифатида жамият ривожи учун муҳим режа стратегия аҳамиятига эгадир. Совет давлати, КПСС марксизм-ленинизм мафкурасини ўрганишга, унинг ташвиқоти ва тарғиботига ниҳоятда катта эътибор бергани шу ишга маблағни, кучни аямагани, у билан қанчақанча давлат ташкилотлари шуғуллангани бежиз эмас эди. Марксизм-ленинизм ғояси ташқарида яратилиб, сўнг Ўзбекистонга ҳам мажбуран олиб кирилди ва тарқатилди. Мустақил Ўзбекистонимиз тайёр мафкурага эга эмас ва ташқаридан тайёрини олмайди. Бу мафкурани ишлаб чиқиш ҳозирда муҳим аҳамият касб этади. Бу мафкурани асослаш, унинг йўналишларини белгилаш Президентимизнинг Ўзбекистон истиқлоли ҳақидаги китобида бошлаб берилди. Бу мафкурани ишлаб чиқиш ва халқимиз онгига сингдириш ишида ижтимоий фанларнинг аҳамияти улкандир. Бу фанлар олам, ижтимоий тараққиёт ҳақида назарий билимлар бериш билан ёшлар дунёқараши, мафкурасини шакллантириш, мавжуд мафкурани уларга сингдириш ишида етакчи роль ўйнайди. Афсуски, ижтимоий илмларни ўқитишдан воз кечишни кўтариб чиқувчилар ҳам учраб қолди. Ижтимоий фанларга нисбатан нигилизм, менсимаслик бироз кучайди. Бу олий ўқув юртларида ижтимоий фанлар соатини қисқартириш, бу соҳадаги имтиҳонларни йўқ қилиш каби ташаббусларда ўз ифодасини топмоқда.

Инсон маънавияти, ахлоқи, жамият тузилиши каби ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги илмлар қадимий илмлардир. Албатта ҳозирда, **биринчидан**, ижтимоий фанларни янги жамият талаблари, мустақиллик, истиқлол мақсадлари асосида тубдан қайта кўриб чиқиш зарур — бу соҳада ижтимоиётчиларимиз фаол иш олиб бормоқдалар.

Иккинчидан, ижтимоий фанга, уни ўқитиш, дарсликлар, адабиётлар яратиш ишига эътиборни кучайтириш лозим. Бу ишларни амалга ошириш фақат ижтимоий фан вакилларидангина эмас, олий ўқув юртлари раҳбарияти, олий таълим вазирлигидан ҳам катта эътибор ва жавобгарликни оширишни, назоратни кучайтиришни талаб этади.

Сўнгги вақтларда бу соҳада жонланиш рўй берганини қайд этиш керак. Ижтимоий фанларнинг турли масалаларига бағишланган илмий анжуманлар бўлиб ўтди. Республика ижтимоиётчиларининг Тошкентда ўтаётган умумий-илмий конференцияси қатор муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Мустақиллик, истиқлол мафкураси ватан, халқ манфаатига садоқат, миллий маънавиятимизга, инсон, илм-фан, маданий юксалишга муҳаббат, шахс истеъдоди, фаоллиги, эркига зўр ҳурмат, бошқа халқларга дўстлик ва биродарлик ғоялари билан суғорилган бўлиши керак.

Бу мафкура зиддиятларни тинчлик йўли билан ҳал этиш, мувозанат сақлаш, томонлар интилишини қоришитириш асосида изчил ривожланиш ғоясини тарғиб қилиши, ақидачиликни, зўравонлик, тазйиқни инкор этиб, фикрлар ранг-баранглигига, ижобий-фикрий ташаббусларга кенг йўл бериши лозим. Бу мафкура аҳлоқий ва ҳуқуқий тарбияга катта эътибор, қонунга сўзсиз риоя этиш, демократик ва ҳурфикрлик, давлатга катта ҳурмат ва интизом билан суғорилган бўлиши зарур.

Бу янги мафкурамиз сиёсатдан устун туруши, вақтли сиёсий тебранишлардан ҳоли бўлиши, шу билан бирга унинг изчил, бир тартибда узоққа мўлжалланиб ривож топишини таъминлашга яқиндан ёрдам бериши керак. Бу мафкура бозор иқтисодига аста-секин ўтишнинг манфаатларини ва устунлигини тарғиб этиш, унинг қийинчилкларини енгишга ёрдам бериш, иқтисодий юксалишнинг мақсадларини аниқ белгилаш, бу юксалишнинг изчиллигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ғояларни ўзида ифодалаши лозим.

Ижтимоий фан ва унинг вакиллари — файласуфлар, иқтисодчилар, ҳуқуқшуносларнинг, тарихчиларнинг янги мафкурамизни ишлаб чиқиш, унинг масалаларини муҳокама этиш ишида фаол иштирок этуви уларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

• «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар •

«ИНСОФ ВА ДИЁНАТ НЕГА БОЙ БЕРИЛДИ?»

Ана шу сарлавҳа остида рўзномамизнинг шу йил 2 апрель сонида танқидий мақола эълон қилинган эди. «Жиззах вилояти ҳокимлиги диққатига» рукни остида босилган бу мақолада аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар танқид қилинган эди. Қўриқ вилоятда қонунни четлаб тўшига уринишлар, чайқовчиликнинг авж олгани, давлат молларини яшириб сотиш натижасида сунъий тақчиллик юзага келганлиги, аҳолини кафолатли моллар ва озиқ-овқат билан таъминлашдаги нуқсонлар аниқ фактлар асосида очиб ташланганди. Бундай камчиликларга йўл қўйишда «Жиззахсавдо» концерни билан вилоят матлубот жамияти уюшмаси бошқаруви раҳбарларининг масъулиятсизлиги, одамлар тақдирига бефарқлиги кўрсатиб ўтилганди. Шунингдек, рухсат қоғозисиз вилоятдан ташқарига мол олиб чиқишга уринишлар, дўконларнинг сабабсиз бекиқ туришлари каби масалаларга ҳам эътибор берилмаётгани кўрсатиб ўтилган. Уюшган жиноятчиликка қаршн курашда суст-кашликка йўл қўйилаётгани, ҳуқуқ-тартибот талабларидо этилмаётгани, қонунбузарлик билан одамларга моддий ва маънавий зарар етказилаётгани каби иллатлар фош этилганди.

Яқинда Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоев имзоси билан газетанинг мазкур чиқиши бўйича жавоб хати олдик. Жавобда кўрсатиб ўтилишича, вилоят ҳокимлиги газетанинг танқидий чиқишига алоҳида эътибор билан қараган ва танқидий мақола барча савдо ташкилотлари раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинган. Жавоб мактубида «мақолада келтирилган барча далиллар ўз исботини топди», деб такидланган. Хусусан, мақола муҳокамасига бағишланган йиғилишда бозор иқтисодиётги шароитида савдо тартибқондаларига риоя қилиш, халқ манфаати йўлида хизмат қилиш ҳар бир савдо ходимининг муқаддас бурчи бўлиб қолишлиги уқтириб ўтилган.

Вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ савдодаги назоратни ва савдо ходимларига талабчанликни бўшаштириб юборганлиги, харидор ҳақига хиёнат қилиш, харидоргир молларни яшириб сотиш каби ҳолларга йўл қўйганлиги учун «Жиззахсавдо» концерни раиси Ю. Сатторов ҳамда вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси бошқаруви раиси К. Солиевга қаттиқ хайфсан эълон қилинди. Савдо ташкилотлари фаолиятини назорат қилмагани учун мазкур концерн раиси ўринбосарлари Т. Қучқунов билан А. Азимовларга хайфсан, А. Баракаевга эса қаттиқ огоҳлантириш ёзилган, «Тожир» ва «Нур» акционерлик жамиятлари раислари И. Исмоилов билан З. Зариповларга қаттиқ хайфсан берилган.

Савдо дўконларини узлуксиз ишлашини йўлга қўйиш ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда назоратни бўшаштириб юборганлиги учун вилоят матлубот жамияти уюшмаси бошқаруви раиси муовинлари Ф. Юсупов, Н. Нурмуҳаммедов, бўлим бошлиқлари Х. Тўрақулов, Ф. Нарзиқулов, И. Эшонқулов ва Т. Волошиналарга хайфсан эълон қилинибди.

Жавобда қайд этиб ўтилишича, савдо ташкилотларни буйруқлари асосида етти нафар савдо ходими вазифасидан четлаштирилган.

Бундан ташқари, жавоб мактубидан шу нарса маълум бўлдики, вилоят ҳокимлиги савдо ташкилотларининг аҳолига кафолатли озиқ-овқатлар етказиб бериш, ёш келин-куёвларни гилам ва мебель каби ноитиёзли моллар билан таъминлаш билан боғлиқ фаолияти ҳам ўрганилган. Хусусан гиламларни фонди бўлмаган ташкилотларга сотилишига йўл қўйганлиги учун «Атторлик» акционерлик жамияти раиси У. Қулматов, «Урда» акционерлик жамияти раиси Б. Қобиловлар қаттиқ хайфсан билан жазоланди. Усимлик мойини рухсат қоғозисиз Қозоғистонга жўнатган Арнасой матлубот жамияти раиси Р. Кунаровга вилоят матлубот жамияти уюшмаси қарорига мувофиқ қаттиқ хайфсан берилди. Зарбдор район матлубот жамияти сотувчиси С. Ғофуров харидор ҳақидан 1380 сўм уриб қолгани учун ишдан бўшатилган.

Газетада эълон қилинган мақола муҳокамасига бағишланган йиғилишда ҳуқуқ-тартибот ва қонунбузарлик бўйича вилоятда йўл қўйилаётган камчиликлар эътироф этилди. Жавобга қарагандa Жиззахда милиция катта лейтенанти Н. Раҳматуллаевнинг мастлик билан «Макаров» пистолетидан ўқ узиб, Т. Жавлоновни қасддан ўлдирганлиги масаласи Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасини 80-модда, 2, 6 бандлари бўйича қўзғатилган жиноий иш ва тергов ҳаракатлари тугатилиб, вилоят судида кўриб чиқиш учун оширилган. Шунга ўхшаш, Жиззах район Хайробод қишлоғида яшовчи А. Абдуллаевни ўлдирганлик масаласи бўйича ҳам Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуасининг 80-моддаси билан иш қўзғатилиб, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилган ва судга оширилган. Мана шундай жиддий камчиликларга йўл қўйган вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи К. Имомов вазифасидан озод этилган.

Жавоб мактуби: «вилоят ҳокимлиги бундан буён ҳам ўз фаолиятида аҳолига савдо хизмат кўрсатишни яхшилаб, ҳуқуқ-тартибот ва қонунбузарлик ишларига эътиборни оширади» деб якунланган.

Ф. ХАЙДАРОВ, М. ИНОМОВ

Тожикистон: халқ фожиаси ва дард-алами

(Давоми. Бошқа газетанинг ўтган сонларида).

— Зардолу — граната;
— Олуча — тўппонча.

Тегишли нумерация — кодлар вилоятнинг барча район ва хўжаликларига берилганди.

Қ. Аслонов кундалигининг сўнгги саҳифалари Қўрғонтепа вилояти раҳбарияти тизимига бағишланганди. Ишонч билан шундай ёзиб қўйилганди: «Раис Қадриддин Аслонов!»

Аҳл бовар қилмайдиган факт: ҳокимият учун курашда, тартибсизликларда, давлат тизимининг бутунлай изидан чиқишида зиёлиларнинг, совет ва партия ходимларининг, руҳонийларнинг вакиллари жонбозлик кўрсатишди. Бир қарашда, ғалати манзара кўзга ташланади — яқингинада бир-бирига қарамақарши турган гуруҳлар «апоқ-чапоқ» бўлиб қолишди. Лекин уларни ашаддий миллатчилик, «улуғ тожик давлатини барпо қилиш ғояси» (агар шундай бўлганда улар юксак мавқе тутган бўлишарди) бирлаштирганди. Шунинг учун ҳам бу мақсадга етишиш йўлида улар ҳеч нарса билан ҳисоблашмади. Инсон ҳуқуқлари «ҳомийлари» сифатида майдонга чиққан ақидапарастлар ҳамма «худосизлар»ни ўлдиришга фатво беришиб, бирон нарсада озгина гумон қилиш мумкин бўлган ҳар қандай одамни маҳв эта боришди. Қўрғонтепадаги хонадонларга бостириб кириб, талон-торож қилган, қийнаб ўлдирилган мусулмонларнинг бир аҳволдаги жасадларини йиғиб олган Россия қўшинлари аскарларини мерган милтиқлари билан нишонга олган кишилар кимлар эди. Наҳотки мусулмонлар?!

Бу пайтда эса фуқаролар уруши қурбонларининг қони Тожикистон ерларини тобора бўяб борарди. Эрон ва Покистон йўриқчилари, афғон мужоҳидлар томонидан тайёрланган ақидапарастлар мададга муҳтож эдилар. Ўз отрядларини бутлаб олиш усули оддий эди. Қишлоқлардан Совет Армияси сафларидан қайтган йигитларни олиб кетишди. Итоат қилмаганларни отиб ташлашди. Аммо бундан ҳам даҳшатли воқеалар бўлди: қайсарлик қилганларнинг кўз олдида уларнинг хотинлари ва болаларини зўрлашди, отаоналарини тириклайин ёқиб юборишди. Бундай бедодликларни амалга оширишда ислом ақидапарастлари ашаддий каллакесарлар хизматидан фойдаланишди.

Мана, бир мисол. Жангарилар Душанбе яқинидаги Роҳати қишлоғида жиноятчиларни ахлоқ тузатиш колониясидан қутқариб олишади. Айни чоғда колония ходимларининг қирққа яқини шафқатсизларча ўлдирилди. Шундай қилиб, жангарилар сафини қотил-

49.

лар ва зулмкорлар тўлдирди. Улар тожик давлатини барпо қилиш улуғ ғояларини ҳатто хаёлларига ҳам келтиришмайди. Уларни тез ўлжа орттириш, тажовузкорлик ҳисси «кўз кўриб қулоқ эшитмаган» жиноятлар сари етаклади.

Сиёсатдонлар ўз ишлари билан машғул бўлиш ўрнига ақидапарастларга қарши турган республика арбобларини қатл этиш билан шуғулланишди. Барча ҳийла-найранглар ишга солинди. Қозикалон кўрсатмасига биноан, унинг парламентдаги малайлари бир қанча юксак мартабали раҳбарларнинг қўриқчиларини олиб ташлаш тўғрисидаги қарорни «ўтказишди». Шуниси ажабланарлики, буни парламент деярли бир овоздан маъқуллади. Бу нима учун керак эди? Мақсад — номаъқул кишиларни озгина уриниш билан олиб ташлаш эди. Улар шундай қилишди ҳам.

Тожикистон бош прокурори Ҳувайдуллоев ваҳшиёна ўлдирилди. Кўлоб вилояти ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Сангов, исломчиларга очиқдан-очиқ қарши чиққан Абдураҳимов қийноққа солинди ва бурдалаб ташланди.

Тожикистон Олий Кенгашининг депутати, республика божхона бошқармасининг бошлиғи Алимовнинг чавоқланган жасади бир неча ойдан сўнг ариқлардан бирида топилди.

Ва фақат сиёсий арбобларни, балки ақидапарастлар душманларини ҳам вахшийларча ўлдиришди. Шундай қисмат Тожикистонда машҳур истеъдодли қўшиқчи ва бастакор Кароматулло Қурбоновни ҳам четлаб ўтмади. Уни ўз ансамбли билан концертга келаётганида жангарилар қўлга олишди. Ва машҳурлик, на халқ меҳр-муҳаббати уни ва етти нафар мусиқачини ўлимдан қутқара олди. Айтишларича, у ўлимини олдиндан ҳис қилган экан. У ўзининг сўнггги концертини 1992 йил 10 октябрида Тошкент телевидениесида берганди. Ўшанда биронта ҳам шўх қўшиқ айтмаганди. Орадан ўн кун ўтгач у ўлдирилди. Кароматулло жонажон Тожикистонни, унинг осмонўпар тоғлари ҳақида, севги-муҳаббат тўғрисида куйларди...

Тожикистонга матбуотнинг кириб келишига, айниқса Россия матбуотининг кириб келишига кенг йўл қўйишарди. Чунки Россия матбуотининг «ҳиммати» билан ақидапарастлар «коммунистик тузум душманлари», «ислом демократлари» деган номларга мушарраф бўлдилар. Бироқ Россия матбуоти ҳам ўзига кела бошлади. Мухолифчиларни «ислом-демократик иттифоқи» дейдиган бўлишди. Қон тўкилишида бу

50.

иттифоқдан бўлак ҳеч ким айбдор эмас!

Вахш дарёси қайирининг ўзида ҳар куни эрталаб ўн ва ундан ортиқ тилкапора қилинган мурда тутиб олинарди. Ленинобод вилоятидан ташқари, бутун мамлакатда аҳвол шу эди.

Шундай вазиятда Президент Набиев ўзини қандай тутди. У разолат ботқоғига бутунлай ботиб бўлганди. Кўпчиликнинг фикрича, Набиевнинг феъл-атворига қўрқоқлиги айниқса салбий таъсир кўрсатган. Яна шу нарса ҳам маълумки, ўша машҳур майдонлардаги йиғинларда «демократлар»нинг раҳбарларидан бири агар ҳукумат томонидан уларга нисбатан куч ишлатиш чоралари қўлланадиган бўлса, унинг бошига Чаушескунинг куни тушишини айтган. Шунда у тақдирга тан берди... Фуқаролар уруши, бегуноҳ кишилар қони тўкилиши — раҳбарият масъулиятсизлигининг, давлат тизимлари бўшашиб кетганлигининг, ҳукмрон табақалар фаолиятсизлигининг асосий кўрсаткичидир.

Тожикистонда қочоқлар пайдо бўлди. Улар юз минглаб кишиларни ташкил қилади. Русийзабон аҳоли уй-жойларини, мебелларини арзон гаровга сотиб, тезроқ Россияга равона бўлиш тараддудини кўрди. Тожиклар ва ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари Ўзбекистон чегараси томон оқиб кела бошлади. Уларнинг кўпчилиги Фарғона водийсидаги, Сурхондарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятларидаги қариндош-уруғларникида қолиб кетишди. Қуйида фожеаларни бошидан кечирган кишиларнинг ҳикояларини келтирамиз.

Товашар Пардаев, Вахш районидаги Киров номли совхоз яшовчиси: «Июнь ойининг ўрталарида қишлоғимизга қозикалон жангарилари бостириб киришди. Олдинига ҳамма уйларни талон-торож қилишиб, пулларни, қимматбаҳо буюмларни, қўлга илинадиган ҳар қандай нарсани олиб кетишди. Мендан нимани ҳам олишарди? Хотиним билан ўн иккита фарзандимизними? Сўнг босқинчилар уйларни ўққа тута бошлашди. Биз эгнимиздаги кийимимиз билан кўчага чиқиб қочдик. Ҳосили йиғиб олинмаган далалар оралаб Ўзбекистон чегараси томон боравердик. На нонимиз, на пулимиз бор. Аллоҳга шукурлар бўлсинки, тирик қолдик. Ахир қишлоғимиздан кўпчилик қурбон бўлди. Менинг уйим қолганми-йўқми билмайман. Ўйлайманки, ер билан битта қилинган. Чунки ақидапарастлар ўзларидан кейин ҳеч ваҳо қолдиришмайди».

Ибохон Акбарова, Қўрғонтепа вилояти Бахтар районидаги «Сарвин» колхози яшовчиси:

«Уруш бизга сентябрнинг бошларида етиб келди. Олдин исломчилар қишлоғи-

51.

мизни автомат ва тўплардан ўққа тутишди, сўнг ёш йигит-қизларни олиб кетган ҳолда уйларни ўмаришга тушишди. Энди уларнинг кўпчилигини кўриш ҳеч кимга ҳеч қачон насиб қилмайди. Уйдан чиққанимиздан сигир • соғишга ҳам, болаларга ун-бул олишга ҳам улгурмагандик, — бу пайт босқинчилар бугдойзор ва ун комбинатига ўт қўйиб юборишди. Менинг охирги кўрган нарсам тутун билан ёнғин бўлди. Кўлоб орқали Ўзбекистондаги қариндошларимизникига келиб олдик, Хайрият, ебичириб, кийинтиришяпти. Аммо томоғимиздан ҳеч нарса ўтмайди, қолаверса, бировнинг елкасидагини олиб кийиш ҳам ўнғайсиз.

Кўлобда менинг икки ўғлим Халқ фронти отрядлари таркибида исломчиларга қарши жангга киришганди. Уларнинг тақдири нима кечди экан, тирикмикан ишқилиб.... Қайғудан юракларимиз эзилади».

Нурмуҳаммад Аҳмедов, Қўрғонтепадан:

«Кўчамизга кириб келган танклар ва бронетранспортерлар ўқ ёғдира бошлади. Дуч келган томонга, уйларга дўконларга отаётгани шундоққина кўриниб турарди. Апил-тапил оиламни жамлаб, шаҳар ташқарисига олиб чиқдим. Ҳайриятки, ҳар бир гўшани яхши биламан. Ўн кун тоғларда ширириниб юрдик, илдизларни еб тирикчилик қилдик. Сўнг Гулистон томон йўл олдик. Яқинда хотиним Душанбега бориб келди, у ерда ўн етти яшар қизимиз қолганди. Аммо у яшаган уй ёниб кетганди. Қизим ҳаётми-йўқми билмайман...».

Ҳамроали Аҳмадалиев, Қўрғонтепа вилоятидаги Карл Маркс номли колхоз яшовчиси:

«Баҳорда ҳарбий хизматдан қайтгандим: Германиядаги совет қўшинларида хизматни ўтагандим. Энди уйга келган ҳам эдимки, фуқаролар уруши бошланиб қолди. Қишлоғимиз ёнида оқадиган дарёдан биз ҳар куни мурдаларни тутиб олардик. Болалар, аёллар. Ҳаммаси чавақланган бўларди. Уларни яқин орадаги тепаликка дафн этардик. Бошқа имкони ҳам йўқ эди-да! Ақидапарастлар ҳамма ёққа пост қўйиб ташлашганди, чивин ҳам учиб ўтолмасди. Улар автомат, пулемёт, гранамётлар билан қуролланишганди. Машиналарнинг баки бензинга тўла эди. Қишлоққа кириб келгач, уйларга киришади ва: «Набиевга овоз берганмисизлар? Мана, кўрдиларингми нималар бўляпти? Энди сизлар ўлишларинг керак...» — дея ўшқира кетишарди. Улар гармлик тожиклар билан фарғоналикларнинг фарқига яхши боришарди.

52.

Йнсон қачон, қай тариқа улғаяди? Бу саволга ҳар ким ўзича жавоб бериши мумкин. Кимдир армияга борганда ўзини улғайган ҳисобласа, бошқалар қалбида ўтли муҳаббат пайдо бўлганида ўзини улғайган санайди. Дўрмонлик Мурод Шералиев аллақандай туйғулар оғушида улғаймади. Балки, ўша даврдаги машаққатли турмуш, пешонасига ёзилган тақдирнинг турли сўқмоқлари улғайтирди уни.

Генерал Шералиев

Ёдноама

УЛҒАЙИШ

Ҳали ўйинқароқ болалик давридаёқ отаси — Шерали деҳқон билан ёнма-ён меҳнат қилишга, далада уззукун кетмон чопишга тўғри келди. Отаси Шерали ака турмушнинг ҳар қанча машаққатларига чидаб бўлса-да, ўғлини ўқимишли қилиб тарбиялашга аҳд қилган экан. Муродни Тошкентдаги халқ хўжалиги ҳисоби техникумига ўқишга юборди. Мактабда ўқиган давридаги каби Мурод техникумдан ҳам бўш пайтларида отаси ёнига келиб янги ташкил этилган «Қизил Шарқ» (кейинчалик «Қизил Ўзбекистон» колхозига ўқушилиб кетган) жамоа хўжалигида дадил ҳаракат қиларди.

Техникумда пухта билим эгаллаш билан бир қаторда у жамоат ишларида ҳам фаол қатнашарди. Комсомол ячейкасига котиб бўлди. Ўша даврда бу ташкилот шунчаки хўжакўрсинга фаолият кўрсатмасди. Балки, турмушнинг барча жабҳаларида олдинги сафда бўлишга интилар, ўз сафларига минглаб ўтюрак йигит-қизларни бирлаштирган ҳолда дадил ҳаракат қиларди.

Тошкентдаги халқ хўжалиги ҳисоби техникумида иқтисоддан сабоқ олган Мурод Шералиев бирданига улғайгани йўқ. Ота ёнида деҳқончилик ишларига унча-мунча қарашишу, техникумда сабоқ олиб, комсомол ишларида фаол қатнашиш инсонни улғайтириб қўймайди, албатта. Муроднинг олдида ҳали қанчадан-қанча ҳаёт сўқмоқлари бор. Болалик, ёшлик орзулари замон талаби, тақозосига бўйсуниши, мамлакатимизга иқтисодни тушунадиган ёш мутахассислар жуда зарур эди.

У ҳаёт сирларини илмдан излашга жазм этди. Техникумда олган сабоғи уни катта мактаб сари етаклаган эди. Шу тариқа у 1937 йили Самарқанд халқ хўжалиги институтида ўқишни давом эттирди. Тенгқурларига ҳамиша етакчилик қилиш пешонасига ёзилгандек институтда ҳам комсомол ташкилоти котиби этиб сайланди.

Ҳаёт дарёга ўхшайди. Ўзўзанини топиб оқаверади. Тақдир эса ўша жўшқин дарё тўлқинига жо бўлган бир томчи сувдек гап.

Мурод Шералиевни 1938 йили институтда ўқиб юрган кезлари комсомол етакчиси сифатида Самарқанд обкомига чақириб қолишди. Ўшанда у эндигина партия аъзолигига номзод бўлиб ўтганди. Обком ходими у билан юзма-юз суҳбатлашганидан сўнг, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар органларида ишлаш учун ўт юракли, комсомолда тобланган, жамоат ишларида чиниққан, ўқишда аълочи бўлган ёшлар керак бўлиб қолди деб, Муродни шу соҳага ишга ўтишни таклиф этди. Давр тақозоси шу эди: партия топшириғи унинг ҳар бир аъзоси учун қонун. Мурод Шералиев ҳам ўзига билдирилган ишончдан хурсанд бўлиб ишга киришди. Ўша йили Ички ишлар Халқ Комиссарлиги Самарқанд вилоят бошқармасида таржимон, малака оширувчи сифатида уч ойча ишлаганидан сўнг мустақил ишга тайинлашди. Оператив вакил бўлиб фаолият кўрсата бошлади. Унга бошқарма бошлиғи Сергей Васильевич Калмиков устозлик қиларди.

Оддий иш кунларидан бирида Калмиков Муродни ёнига чақириб, шундай деди:

— Кел, бугун иккимиз вазифамизни алмашайлик. Мен сенинг ўрнингга тушликка самарқандчасига палов тайёрлайман. Сен эса менинг ўрнимга сўроқ қилиш билан шуғулланасан. Биласанми, жиноятчи маккор бўлиши мумкин. Аммо, сен шиоримизни унутма: қалбинг қайноқ бўлса-да, ақлинг расо бўлсин!

Мурод иш билан обдон танишиб чиқди. Айблов далиллари кўп, тасдиқлангани ҳам етарлича. Гўё уни сўроқ қилиб ўтиришга ҳожат йўқдек. Айбланувчи ҳатто иқрор бўлиб имзо ҳам чеккан. М. Шералиев узоқ мушоҳада қилди. Қоғоздаги гаплар билан ҳаётдаги воқеалар ҳамиша бирдек мос келавермаслигини ўйлаб айбланувчини чақиртирди. Унинг ҳузурига келишган, барваста бир йигитни олиб киришди. Мурод унга зимдан тикилиб, секин сўради:

— Хўш, айбингизни биласизми, ўзи?

Кутилмаганда йигит важоҳат билан бақирди:

— Ҳа, ҳа! Мен аксилинқилобчи, туҳматчиман. Айбимга иқрорман. Марҳамат, отиб ташлангиз мени...

Бошқа бирор саволга жавоб олиб бўлмади. Мурод эса унинг ҳорғин чеҳрасига тикилиб туриб мулоҳаза қилди. Ўзига хос усулда иш тутди. Столида турган гулдор пиёлаларга чой қуйиб, бирини айбланувчига узатди. Ҳалиги йигит жуда ҳайрон бўлиб пиёлани қалтираб-гина қўлига олди. Шу пайт навбатчи Калмиков юборган лагандаги ошни келтириб столга қўйганди, Мурод кулиб шундай деди:

— Жуда соз. Энди, ошна, ошни ўзбеклар ҳеч вақт ёлғиз емайди, — дея рўпарасида умидсизликка тушиб ўтирган йигитни ошга таклиф этди.

Бунақа таклифни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган айбланувчи ҳайрон қолди, Сўнг, терговчининг ҳам таклифи, ҳам қистови билан яқинроқ сурилиб ўтирди. Лаганга қўл чўзаркан, ўксиб йиғлаб юборди. Ҳа, Мурод Шералиев мақсадига эришди. Рўпарасида ўтирган йигит асли ким эканлигини усталик билан аниқлаб олди. У ҳеч қанақа жиноятчи ҳам, туҳматчи ҳам эмаскан. Бильакс, ўзи бўлмағур туҳматларнинг қурбони бўлаёзган экан...

— Синовдан яхши ўтдинг, — деди ўша гаплардан сўнг устози Муроднинг елкасига қоқиб. — Сендан ҳақиқий чекист чиқишига ишондим.

Бу гаплар Мурод Шералиевга қанот бахш этди, Ўша кундан эътиборан у орзулари камол чўққисига эриша бошлаётганини ҳис эта бошлади.

СУРОНЛИ КУНЛАР

Болаликнинг сирли дамларини инсон ҳамиша ботбот эслаб юради. Асли болалик билан катта ёшдаги пайтлар ўртасида унчалик катта фарқ йўқ экан. Ёшликда дунё сирли кўринади. Улғайганингда эса ўша «сир»ларнинг калитини излайсан. Қўл етиб бўлмасдек туюлган орзуларингга росмана етишиш учун курашасан. Мурод билан шу сатрлар муаллифларидан бири Дўрмонда бир мактабда ўқишиб, бирга ўсган, 1938 йили Тошкентдаги матбуот техникумини, сўнгра газетачилик мактабини тугаллаб, Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетасига ишга борган эди. Биз тез-тез кўришиб, ҳамсуҳбат бўлиб турардик.

Ўша йиллари у Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд вилоятидаги Оқдарё туманида ва кейинчалик Каттақўрғон шаҳрида бўлим бошлиғи бўлиб ишларди. 1941 йили — уруш бошланган пайтда Мурод СССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги вазирлиги Олий мактаби ҳузуридаги раҳбар кадрлар тайёрлаш курсида таълим олаётган эди...

Эҳ-ҳе, унинг ҳаётида қанчадан-қанча суронли воқеалар юз бермади, дейсиз. Муҳими, у қишлоқларда юриб, ҳақиқий ҳаёт билан юзма-юз бўлди. Турмушнинг залворли сўқмоқларини ўз кўзи билан кўрди. Ҳаёт уни чинакам тарбиялади. Самарқанд вилоят Давлат хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатган даврларининг ўзи бир достон бўлиши мумкин.

Фашист босқинчилари мамлакатимизга бостириб кирган мудҳиш давр ҳақида узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Республикамизда фронтга ёрдам бериш учун ватанпарварлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Халқ ўз ҳисобидан миллий қисм ва бўлинмалар туза бошлади. СССР Давлат Мудофаа Комитети Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон меҳнаткашларининг миллий қўшинлари ташкил этиш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади ва 1941 йил 13 ноябрда миллий қўшин бўлинмаларини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Шунга кўра Ўзбекистонда 5 та миллий кавалерия дивизиялари ҳамда 9 та алоҳида ўқчи бригадалари ташкил топди. 99-кавалерия дивизияси шулар жумласидан эди. Ўшанда республика раҳбари Усмон Юсупов Ички ишлар вазирлиги соҳасида етук кадр сифатида кўзга кўриниб қолган Мурод Шералиевни ҳузурига чақиртирди.

— Сизни Ўрта Осиё Ҳарбий округи 99-кавалерия дивизиясининг махсус бўлимига бошлиқ қилиб тавсия этамиз, — деди Усмон ота одатига кўра қисқа ва лўнда гапириб. — Сизга бу махсус бўлимнинг масъулияти тўғрисида, ўз вазифангизни виждонан бажаришингиз кераклиги ҳақида ваъз айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман, шундайми?

Мурод Шералиев эҳтимол ўшанда чинакам улғайиб қолгандир? Ахир, инсон ҳаётнинг ҳар бир сўқмоғидан мардона ўта олган кезларида бир қадар улғаяди-ку! Хуллас, давлат хавфсизлиги хизмати ходими М. Шералиев ўша кундан эътиборан дивизия махсус бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилди. Табиийки, энди унинг зиммасидаги масъулияти ҳам шунга яраша эди. Шу ишда у чиниқди, тобланди. Кўп нарсаларни ўрганди, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарлик машқларида қатнашиб ўз маҳоратини ошириб борди. Миллий қисмлар сафларидан ажойиб ҳарбий кадрлар етишиб чиқди. Мурод Шералиевга кўп ёрдам берган дивизия комиссари Муллажон Узоқов Берлин штурмигача бўлган фронт йўлларини босиб ўтди. Генерал-майор унвонида узоқ йиллар республика ҳарбий комиссари лавозимида ишлади.

М. Шералиевнинг ўзига жанговар фронтга бориш, бевосита урушда қатнашиш насиб этмаган. Иккинчи фронт бўлмиш — мамлакат ичкарисида жўшқин фаолият кўрсатди. У Жанубий чегарада — республика Ички ишлар Халқ Комиссариати Сурхондарё вилоят бошқармасида ишлади. Кўплаб муҳим топшириқларни муваффақият билан адо этди.

Унинг ҳар бир куни, ҳар бир лавҳаси ўша суронли дамлар билан ҳамоҳанг эди. Урушнинг жуда оғир суронли йилларида Мурод Шералиев Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги милиция Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Қорақалпоғистон автоном республикаси Ички ишлар вазири вазифаларида хизмат қилди. Жуда кўп шогирдларни тарбиялаб вояга етказди.

Ҳаёти давомида у босиб ўтган сўқмоқларнинг ҳисобкитоби анчагина. Қорақалпоғистон ички ишлар вазирлигидан сўнг Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг ўринбосари, юстиция вазири, республика прокурори лавозимларида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатди. Ҳаётининг сўнгги йилларида эса ўн уч йил Тошкент вилоят ички ишлар бошқармасини бошқарди, ўзи севган соҳасида кўплаб муносиб кадрлар етиштиришда жонбозлик кўрсатди.

Мурод Шералиевич республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлаб ўзининг бутун кучи билими, қалб қўри ва тажрибасини давлат қонунчилигини ва ҳуқуқ-тарғиботни мустаҳкамлашга бағишлади. Бунда у қатъиятлилик, юксак ишчанлик хусусиятларини ва принципиалликни намойиш қилди. Мурод акадаги бу олийжаноб хусусиятлар ўзига ва хизматчиларга нисбатан ўта талабчанлик ҳамда улкан ғамхўрлик билан уйғунлашиб кетган эди. У кишидаги инсонпарварлик, камтарлик, меҳмондўстлик, оилапарварлик, дўстларга садоқат ва меҳр-оқибат билан қараш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилмаслик каби фазилатлари ҳаммани мафтун қилар эди. Халқимиз Мурод акани жуда қадрларди, севарди.

М. Шералиев республиканинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди. Бир неча чақириқ Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари Олий Советининг депутатлигига, Тошкент область Совети депутатлигига сайланди. Унга 1957 йили «Адлиянинг Давлат маслаҳатчиси» унвони ва 1965 йили Ички хизмат генерал-майори унвони берилган эди. Ватан олдидаги хизматлари учун икки марта Қизил Юлдуз, икки марта «Ҳурмат Белгиси» орденлари, «Жанговар хизматлари», «Шавкатли меҳнати учун» медали ва ҳукуматнинг бошқа кўпгина медаллари, «Фахрий ёрлиқ»лари билан мукофотланган эди.

Элимизнинг асл ўғлоғ Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Дўрмон қишлоғидан етишиб чиққан генерал Мурод Шералиев унча узоқ умр кўрмаган бўлса-да, ҳаётлигида ўчмас из қолдирди. У тарбиялаб, камолотга етказган ёшлар бугунги кунда вазирлик лавозимида, ўзи умрини бахшида этган масъулиятли ҳуқуқий органларда фидокорона хизмат қилмоқдалар.

Адабиёт, санъат инсонни ҳамиша эзгуликка, гўзал ғояларга чорлайди. Мурод ака мумтоз адабиётимизни дурдона асарларини кўп мутолаа қилар, классик қўшиқларимизни севиб тингларди.

Мурод Шералиевич ватанимиз қўрғонини, қонунчиликни мудом мустаҳкам сақлаш бобида ўзига хос мактаб яратиб кетган ажойиб, улуғ инсондир. Зотан, халқимиз бундай ўғлонларига ҳайкал қўяди, унинг номини абадий қалбда сақлайди.

Зиёд ЕСЕНБОЕВ,
Тўлқин ЭШБЕКОВ.

Суратда: Генерал Мурод Шералиев иеваралари даврасида.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 28 майда чиқади).

ХОРАЗМЛИКЛАРНИНГ ҲАМ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгашининг яқинда бўлиб ўтган ижроия бюроси йиғилишида ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан боғлиқ кўпгина вазифалар қатори «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 75 йиллигини вилоятда кенг нишонлаш юзасидан ҳам муҳим тадбирлар белгилаб олинди.

Кенгаш тавсиясига кўра шу йилнинг май ва июнь ойлари давомида вилоятнинг кўпгина меҳнат жамоаларида севимли рўзнома юбилейига бағишланган давра суҳбатлари, газетхонлар конференцияси, «Ўзбекистон овози» — менинг отахон газетам», «Ўзбекистон овози» менинг тақдиримда» мавзуларида мулоқот ва муштарийлар кечалари, рўзноманинг турли йилларда вилоятдаги ўз мухбири бўлиб ишлаган Маткарим Худойберганов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Фозил Зоҳидов, Абдурауф Қоржовов ва бошқа фаол қаламкашлар билан учрашувлар ўтказилади.

«Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда» вилоят рўзномаларида отахон газетанинг 75 йиллигига бағишланган материаллар ёритилади, вилоят телевидениеси ва радиосида махсус кўрсатув ҳамда эшиттириш ташкил этилади.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

«АГРОФУР» ҚУШМА КОРХОНАСИ АҲОЛИ ВА ХЎЖАЛИКЛАРДАН ИШЛАТИЛГАН ПОЛИЭТИЛЕН ПЛЕНКАСИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ УЧУН СОТИБ ОЛАДИ. ҚАЙТА ИШЛАНГАН ПОЛИЭТИЛЕН ПЛЕНКАСИ БУЮРТМАЧИГА КЕЛИШИЛГАН ШАРТЛАР АСОСИДА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ.
ТЕЛЕФОН: 92-29-63.

«Силла» чекланган масъулиятли жамият тугатилади.
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

«Туркистон» шахсий фирмаси тугатилади.
Даъволар бир ой давомида қабул қилинади.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси редакция ходими Миршароф Муҳсимовга умр йўлдоши

Маъсуда РАҲИМБОЕВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбексувқурилиш» Давлат концернининг Бошқаруви Мирзачўл ихтисослашган қурилиш бирлашмасининг бошлиғи И. А. Гамбургга онаси

Антонина Андреевна ГАМБУРГнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:
Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16
Жиноятчиликка қарши кураш — 33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 33-38-55.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:
Андижонда — 4-48-85; Қаршида — 3-25-79;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22; Урганчда — 6-72-60;
Жиззахда — 3-31-86; Термизда — 2-23-01;
Навоийда — 3-74-76; Фарғонада — 6-37-16.
Нукусда — 2-42-62;
Навбатчи муҳаррир: А. РЎЗИЕВ.

● Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
● Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
● Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.30.
Г—221. № 96.

Узбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 123456.